Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 2 июнь
ШАНБА
№ 124 (4.917).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати

ИШОНЧ

Аъзам акани кутилмаганда «Қорасув» совхозига директор этиб сайлашди. Ўша кезлари Калинин районидаги бу хўжалик оғир аҳволга тушиб қолганди. Қисқа вақт ичида унга бир нечта раҳбар келиб кетган, ҳеч қайсиси вазиятни ўнглаш ҳақида қайғурмаганди. Натижада барча соҳалар зарар келтириб, иқтисодиёт инқирозга учради.

— Қишлоқ хўжалиги фанлари номзодисиз, деҳқончиликдан яхши хабарингиз бор. Шу совхозни кўтариб беринг, — дейишди унга.

А. Абдувалиев деҳқон фарзанди бўлгани учунми, йўқ деёлмади. Хўжаликни давлатдан 880 минг сўм қарзи билан қабул қилди. Аввалига шароит билан танишишга, ишчилар қалбига қўл солиб кўришга уринди. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми бузилган, арзимас ҳақини учтўрт ойлаб ололмай сарсон юрган одамларнинг ишдан кўнгли совиганди.

— Худди янги хўжаликдаги сингари ҳамма нарсани бошидан бошлашга тўғри келди, — дейди Аъзам Қирғизбоевич. — Шаҳар яқин, баъзилар ўзини корхона ва ташкилотларга уриб кетганди. Далага қайтариш, аҳвол яхшиланишига ишонтириш учун уларнинг кўпчилиги билан яккама-якка гаплашдим...

Орадан беш йил ўтди. Бу даврда совхоз ўзини ҳар томонлама ўнглаб, илғорликка интилаяпти. 1985 йилда жами суғориладиган майдони 750 гектар эди, бугунга келиб 450 гектар қолди. Уч юз гектари шаҳар ҳисобига, турли ташкилотлар ихтиёрига ўтиб кетди. Лекин шу ердан аввалгига нисбатан кўп даромад олинаяпти. Бултур рентабеллик ўртача 30 фоизни ташкил этди. Жорий йил бошида хўжаликнинг банкдаги ҳисобида 1 миллион 150 минг сўми бор эди.

Хўш, ютуқларга қандай эришилаяпти? Бунинг сабаблари кўп, аммо бизнингча, энг муҳими — оқилона раҳбарлик. Чунки ерни эгасига қайтариш, ундан омилкорлик билан фойдаланиб, йилига икки-уч марта ҳосил олиш, иссиқхоналар самарадорлигини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш, илғор тажрибани ва иш усулларини қўлланиш — ҳаммаҳаммасига Аъзам ака бошқош.

Бу йил жами 3 миллион сўм даромад қилиш мўлжалланган. Асосан сабзавотчиликка ва сутчиликка ихтисослашган совхозда биринчи соҳани пудратчилар, иссиқхона ва фермани ижарачилар тўлиқ зиммаларига олишган. Сабзавот етиштирувчи жамоаларда иккита — маъмурият билан бригада ва бригада билан ишчилар ўртасида шартномалар тузилган. Бу ҳужжатларда ҳамма нарса: томонларнинг мажбуриятлари, иқтисодий кўрсаткичлар, режалар, меҳнат ҳақи содда ва аниқ ёзиб қўйилган. Шу кунларда дала ишлари мусобақаси авжида. Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат» орденлари соҳиби Шавкат Нуриддинов, Эркин Исмоилов, Маҳмуд Расулов, Ғайрат Халилов, Эшонхон Тўхтасинов бошлиқ бригадалар беллашувда пешқадам.

— Икки йил муқаддам зоотехник Абдураҳмон Абдуқодиров бошлиқ чорвадорлар сутчилик фермасини ижарага беришни таклиф қилишди, — деб давом этди директор. — Маъмурият розилик билдирди. Ҳар икки томоннинг манфаати ҳисобга олиниб шартнома тузилди. Ўтган икки йилда ижарачилар мажбуриятларни муваффақиятли бажаришди. 1989 йилда режадаги 45 тонна ўрнига 48 тонна гўшт, 560 тонна ўрнига 593 тонна сут етиштирилди. Тармоқдан 180 минг сўм фойда олиниб, рентабеллик 51 фоизга етди.

Чорвадорлар ҳозирги пайтда съездолди вахтасида турибишламоқдалар. Фермада жами 498 бош қорамол бор. Шундан 200 таси соғин сигир. Илгари жамоа 50 кишидан иборат бўлса, эндиликда 30 киши меҳнат қилаяпти. Шарифа Ёқубова, Зулхумор Иброҳимова, Наталья Берёзина каби илғор сигирсоғарлар ҳар говмишдан кунига 11—13 килограммдан сут соғишаяпти.

— Хўжалигимиз ҳудудида 10 минг аҳоли истиқомат қилади, — дейди Аъзам ака муаммоларга тўхталиб. — Эндиликда бизда ишлашни хоҳловчилар кўпайди. Одамларни иш билан таъминлаш жиддий муаммога айланмоқда. Ҳозир совхоз ишлаб чиқаришида 800 киши ишлаётган бўлса, ярмига шартли равишда ойлик берилаяпти. Яъни хўжалик юмушларини тўрт юз ишчи бемалол эплаши мумкин. Ҳолбуки, яна минг киши ишга муҳтож. Бу масалани ҳал этиш мақсадида 20 гектарлик ойнаванд бино лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Бундан ташқари шунча ерга енгил типдаги иссиқхона қуришни кўзлаяпмиз. Шунда суғориладиган майдонлар қисқараётганлигига қарамай аҳолини иш, шаҳарликларни эса йил бўйи ноз-неъмат билан таъминлаш мумкин.

Осмондан ёмғир ёғмаса ер етим, халқ бошида одил раҳбар бўлмаса эл етим. Жумҳурият раҳбарияти кейинги пайтларда кўпгина халқпарвар тадбирларни ишлаб чикди. Бу барчани қувонтирмоқда. Хўжаликда Ўзбекистон ССР президентининг «Республика алоҳиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги фармони бўйича изчил ишлар қилинмоқда. Аҳолига 40 бош ғунажин сотилди. Шахсий хўжаликларнинг ва совхознинг чорвасини ем-хашак билан таъминлаш мақсадида Қозоғистон ва қўшни областлар хўжаликлари билан ҳамкорлик йўллари изланаяпти.

Пойтахт вилояти коммунистлари тадбиркор раҳбар Аъзам Абдувалиевни Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегат этиб сайладилар. Юксак ишонч халқ ва партия ишига содиқ коммунистнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: А. Абдувалиев.

Б. АЛИМОВ олган сурат.

М. С. ГОРБАЧЕВ билан Ж. БУШнинг музокаралари

ВАШИНГТОН, 1 июнь. ТАСС махсус мухбирлари Игорь Борисенко, Владимир Матяш, Виталий Чуксеев, Геннадий Шишкин хабар қиладилар: 31 майда куннинг иккинчи ярмида Оқ уйда СССР билан АҚШ президентлари ўртасида делегациялар иштирокида музокаралар бўлиб ўтди.

Унда ҳозирги даврда жаҳон сиёсатида икки давлатнинг ролига ўзаро баҳо бериш, жаҳондаги чуқур ижобий ўзгаришлар ўзанида СССР билан АҚШ муносабатлари яхшиланишининг аҳамияти муҳокама қилинди.

М. С. Горбачев Оқ уйдан чиқаётганда журналистлар унга савол бердилар. Биринчи бўлиб бундай савол берилди: Германия масаласини ҳал қилдингизларми?

— Мен Германия масаласи ҳар ҳолда бу ерда ҳал қилинмаса керак, деб ўйлайман... — дея жавоб қилди М. С. Горбачев.

— Нима учун бу ерда ҳал қилинмайди?

— Тушунтириб бераман. Учрашув Европадаги вазият ва у ердаги воқеаларнинг ривожланиши ҳамда шу муносабат билан Германияни бирлаштиришнинг ташқи жиҳатлари хусусида фикрлашиб олишга ваъдалашдик. Менимча, биз президент билан пухта гаплашиб олдик. Ўнда делегация аъзолари ҳам қатнашдилар. Эндиликда бир-биримизнинг позициямизни яхшироқ тасаввур эта оламиз, шунингдек бир-биримизнинг хавотирликларимизни ҳам яхшироқ тасаввур этамиз, деб умид қиламан. Америка томони ҳам, биз ҳам маълум ғояларни айтдик. Менимча, бўлиб ўтган фикрлашув ташқи ишлар министрлари экспертлар иштирокида масалани тағин ҳам чуқурроқ кўриб чиқишларини тақозо этади,— бу фикрга АҚШ президенти ҳам қўшилди. Ана шундай топшириқлар берилди. Сизларни мен айтганимдан кўпроқ нарсалар қизиқтиради, албатта. Лекин ҳозирча биз ҳали ҳаммасини билмаймиз.

Савол: Сиз ҳали ҳам президент Буш масала фақат бир хил—Германия НАТОда бўлиши керак, деб талаб қиляпти, деб ҳисоблайсизми?

Жавоб: Президент Буш ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилаётган бўлса керак. Ўз фикрини зўрлаб ўтказиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига бу муаммо унда қатнашувчи жуда кўп томонларга дахлидир... Биз президент билан иккала томон айтган таклифларни чуқурлаштириш ва тағин ҳам муфассалроқ кўриб чиқишни министрларга ва экспертларга топширишга келишган эканмиз, демак эътиборга, тағин ҳам батафсил муҳокама қилишга лойиқ нимадир пайдо бўлган.

Бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборатки, шу муаммо билан, унинг бутун мураккаб мажмуаси билан боғлиқ бўлган барча тўхтамлар натижасида фақат қандайдир бир томоннинг манфаатларига зарар етказилмаслик билан бирга, умуман сўнгги вақтда авж олиб кетган теран ижобий жараёнларга ҳам зарар етмаслиги лозим. Чунки биз Германияни бирлаштиришнинг ташқи масалаларини келишиб олишда хатога йўл қўйсак, бу бутун Европадаги аҳволга, шунга эмас халқаро сиёсатнинг барча йўналишларидаги аҳволга, очиғини айтаман, албатта, Совет-Америка ҳамкорлигига жуда салбий таъсир этиши мумкин. Умуман Совет-Америка ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Бундан фақат бизнинг мамлакатларимиз эмас, балки бутун жаҳон манфаат кўрмоқда. Шу сабабли ғоят масъулият билан иш тутиш керак.

Савол: иқтисодий масалалар муҳокама қилиндими? Сиз қандайдир аниқ иқтисодий ёрдам қилишни сўрайсизми?

Жавоб: бугун президент билан яккама-якка учрашган чоғимизда биз, айтиш мумкинки, давримиз фалсафаси тўғрисида кўпроқ гапирдик. Шу муносабат билан сиёсат қандай бўлиши лозимлиги, бизнинг иккала мамлакатимиз роли ва ўрни қандай бўлиши кераклиги, улар қандай баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари лозимлиги ҳақида гаплашдик. Дунёда ҳамма нарса тез ўзгариб бормоқда. Агар Мальта учрашуви бўлмаганида эди, унда вужудга келган тушуниш ва муайян аҳдномалар бўлмаганида эди, ўша қиш ойларида, Европада бундай жўшқин воқеалар авж олиб кетган пайтда биз бунга тайёр бўлмас эдик. Аммо биз ўшанда, Мальтада таркиб топаётган вазиятни муҳокама қилдик, у қандай тус олиши мумкинлигини, у ҳаммадан қандай сабр-бардошни талаб қилишини ва мулоқот олиб бориш лозимлигини, энг муҳими — воқеаларни беқарорлик сари буриб юбормаслик, жараёнларнинг ўзига, халқларнинг ўзига ҳамма нарсани ўзи англаб стиб, ўзи сўнгини топишига имкон бериш лозимлигини фаразлаган эдик. Президент Буш билан ўша биринчи учрашувимизнинг аҳамияти мана шунда. Учрашув режалаштирилганидан ҳам узоқроқ давом этди. Кези келганда айтиб ўтайлик, СССРдаги, Европадаги ва дунёдаги катта ўзгаришлар муносабати билан иқтисодий жараёнлар ҳам кўриб чиқилди. Президентни бизнинг ислоҳотимиз айниқса кўпроқ қизиқтирди. Мен ислоҳот бизнинг олдимизга қўйган муаммоларни принцип жиҳатидан изоҳлаб бердим. Шу билан боғлиқ равишда бундай даврда биз бир-биримизни яхшироқ тушунишимиз, ҳамкорлик қилишимиз ва воқеаларнинг боришини «енгиллаштиришимиз» лозим деган мавзу пайдо бўлди.

Ҳозирги учрашув давомида эса иқтисодий масалалар ҳозирча министрлар томонидан кўриб чиқилди. Эртага президентлар бу масалаларни муҳокама қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги 1990 йил 10 май Фармонини бажариш учун ушбу Фармонни амалга оширишга қаратилган қарор қабул қилди.

Қарорда колхозлар ва совхозлар аҳолига сотадиган пичан ва ширали озуқаларни шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ем-хашак тайёрлаш планига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилган.

Шахсий хўжаликларга сотиш учун давлат ресурсларидан 1990 йилда 400 минг тонна омихта ем ва 60 минг тонна кунжара, 75 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит, 56,6 минг тонна пиво чиқитлари. 1991 йилда 450 минг тонна омихта ем, 60 минг тонна кунжара, 150 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит ва 100,9 минг тонна пиво чиқитлари ажратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва вилоят ижроия комитетларига 1991 йилдан бошлаб давлат ресурсларидан ем-хашакни ҳисобининг шахсий хўжаликларига сотиш ҳажмини давлат планига киритиш таклиф қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, жойларда эса — район ва шаҳар ижроия комитетлари аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ажратиладиган ем-хашак фондларининг эгалари, деб белгилаб қўйилди. Улар ем-хашак ва унга талонларни посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетларига тақсимлайдилар.

Ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Совети ижроия комитети ҳузурида халқ депутатлари ва фаоллардан комиссия тузишга қарор қилинди. Бу комиссия зиммасига давлат ресурсларидан Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали омихта емни, шунингдек колхозлар ва совхозлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда аҳолига сотиш учун ажратиладиган пичан ва ширали озуқаларни рўйхатга олинган молларнинг сонига қараб тақсимлаш ва сотиб олиш учун талонлар бериш вазифаси юклатилди.

Ўзбекбирлашувга бир ой муддат ичида марказий аппаратда, вилоятлар ва районларда ем-хашак савдосини ташкил қилувчи махсус бўлинмалар барпо этиш, магазинлар ва савдо дўконлари шохобчаларини кенгайтириш, шунингдек емхашакни аҳолига етказиб бериш учун кўпроқ транспорт воситалари ажратиш таклиф қилинди.

Жумҳурият Давлат план комитетига Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Дон маҳсулотлари министрлиги билан биргаликда ушбу қарорга асосланиб, илгари тасдиқланган Қорақалпоғистон АССР ва вилоятларга давлат ресурсларидан ем-хашак фондларини тақсимлашга ўзгартириш киритиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва вилоят ижроия комитетларига колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда 631 минг тонна пичан, 379 минг тонна ширали озуқалар, 1100 минг тонна кўк ўт, 1991 йилда 1387 минг тонна пичан, 758 минг тонна ширали ем-хашак, 2950 минг тонна кўк ўт сотишини таъминлаш тавсия этилди.

Колхозлар, совхозларга ва хўжаликлараро корхоналарга ем-хашакни шартнома нархларида сотиш, айрим хўжалик, район ёки умуман регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсий хўжаликлар билан шартнома тузишни рағбатлантириш тавсия этилади.

Колхозлар ва совхозларга улар аҳолига сотадиган пичан ва ширали озуқаларни етиштириш ва тайёрлашга қилган сарф-харажатларининг 50 фоизини тўлаш кўзда тутилган.

Республика Молия министрлиги ва Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига 10 кун муддатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ана шу харажатларни қоплаш манбалари тўғрисида таклифлар киритиш топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетига қуйидагилар таклиф этилади:

шахсий хўжаликларга бошқа регионлардан келтириладиган наслли қорамол, шунингдек жумҳурият хўжаликларида етиштириладиган зоти яхшиланган қорамоллардан 1990 йилда 36,2 минг бош ва 1991 йилда 46,9 минг бош сотиш. 1990 йилда 26 минг бош қўй ва эчки, 9500 мингта парранда, 1991 йилда 30 минг бош қўй ва эчки, 12900 мингта парранда сотишни таъминлаш. Бунда шахсий хўжаликларда чорва моллари ва парранда сотиб олиб, сақлашни чеклаб қўймаслик;

1990 йил мобайнида ҳар бир посёлка, қишлоқ ва овул Совети ижроия комитети ҳузурида сунъий урчитиш, зооветеринария хизмати ҳамда маҳсулдорлиги кам молларни зотли моллар билан режали асосда алмаштириш билан шуғулланувчи шахсий сектордаги молларга хизмат қиладиган хўжалик ҳисобидаги пунктлар очиш.

Ўзбекистон агросаноат банки зотли, наслли молларни ва зоти яхшиланган молларни сотиб олишда аҳолига ёрдам бериш учун колхозлар ва совхозларнинг буюртмаларига мувофиқ кредит ажратиши шарт.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетларига мавжуд иш ўринлари ва иш ҳақи фонди ҳисобидан аҳоли хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириб борувчи бўлимлар тузиш, уларнинг зиммасига ем-хашакка бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда шахсий хўжаликларга сотиш учун давлат ресурсларидан ажратиладиган емхашак фондларини, тақсимлаш, шунингдек чорва моллари ва парранда сотиб олишда аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклаш тавсия қилинди

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети икки ҳафта муддат ичида марказий аппаратда, вилоят ва район планлаштириш комиссияларида аҳоли шахсий хўжаликларини ривожлантиришни режалаштириш учун қўшимча бўлинмалар тузиш тўғрисидаги таклифларни республика Министрлар Советига тақдим этсин.

Жумҳурият Давлат нарх комитетига Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети билан биргаликда аҳолига сотиш учун давлат ресурсларидан ажратиладиган емхашакни сотиш нархларини бир ой муддат ичида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Давлат статистика комитетига шу йил июль ойидан бошлаб ойлик статистика ҳисоботига аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан ажратиладиган ва колхозлар ҳамда совхозлар томонидан сотиладиган чорва моллари ва паррандалар сонини, ем-хашак миқдорини киритиш тавсия этилди.

Жумҳурият Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетига ана шундай ҳисоботни тайёрлаш учун зарур маблағ ажратиши керак.

Қарорда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ижроия комитетларига:

шахсий секторда гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир хонадонга тушунтириш;

молия-хўжалик фаолияти якунларини чиқариш, мукофот ёзиш, енгил машиналар ва қишлоқ хўжалик техникасини ажратиш чоғида аҳолига пичан, ширали озуқа ва ем-хашакнинг бошқа хилларини сотиш ҳажмини ҳисобга олиш топширилди.

Жумҳурият ва вилоят рўзномаларининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор қандай бажарилаётганини мунтазам ёритиб бориш, унинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлаш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишнинг муҳим шарти бўлган шахсий хўжаликни юритишдаги илғор тажрибаларни кенг тарғиб қилиш топширилди.

● **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори чиндан ҳам қишлоқ хўжалиги тузилишини такомиллаштиришда туб ўзгариш қилди.**

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бир миллион 385 мингдан ортиқ оила янги томорқалар олди ва мавжуд томорқа ерларини кенгайтирди, бунинг учун ижтимоий сектордан 162 минг гектардан кўпроқ экинзор ажратиб берилди.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, республиканинг бошқа қишлоқ меҳнатчилари шахсий хўжалигини ривожлантиришга бундай эътибор Озиқ-овқат программасини бажаришда, биринчи навбатда аҳолини гўшт ва сут каби ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бундай хўжаликлар катта ўрин тутганлиги билан изоҳланади.

Ана шу кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ натижа бера бошлади, бу натижалар яқин йиллар ичида ортиб бораверади.

Томорқа участкаларининг кенгайтирилиши ва улардан оқилона фойдаланиш — чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантиришнинг самарали йўлларидан биридир. Аммо бунда ҳам шахсий хўжаликларнинг ем-хашак, айниқса омихта емга эҳтиёжи тўла-тўкис таъминланмайди. Кўп жиҳатдан худди шу сабабли 820 минг шахсий хўжалик умуман сигир боқмаган. Ўтган йили хонадонларнинг ярмида қўй ва эчки боқилмади. Бунинг устига 445 минг хўжалик умуман чорвачилик билан шуғулланмади.

Шахсий хўжаликларга бузоқлар ва қўзилар, жўжалар сотишни кўпайтириш, зооветеринария хизматини яхшилаш билан боғлиқ бир қанча масалаларни ҳам ҳал этишга тўғри келади. Емни тақсимлашнинг мавжуд системасини ва уларни сотиш нархларини, аҳоли чорва моллари ҳамда парранда сотиб олиши учун кредит бериш тартибини кўриб чиқиш, бошқа масалаларга аниқлик киритиш зарурати етилди.

Буларнинг ҳаммаси колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, бошқа қишлоқ аҳолисининг шахсий хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини оширишга, пировард натижада эса ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга олиб борадиган реал шарт-шароитларини яратувчи кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этди.

Ана шу чора-тадбирлар мажмуи Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти президентининг 11 май куни матбуотда эълон қилинган Фармонида ўз ифодасини топди. Энди эса биз республика Министрлар Советининг қарори билан танишмоқдамиз, унда мазкур давлат ҳужжатини амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб берилган. Шуни таъкидлаймизки, фармон ва қарор ҳам деҳқонларнинг, ҳам бутун жумҳурият халқ хўжалигининг манфаатларини кўзлаб қабул қилинган.

Хўжаликларнинг аҳолига ем-хашак сотишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1990 йил 1 июлдан бошлаб, пичан ва ширали озуқаларни колхозлар ҳамда совхозларнинг ем-хашак тайёрлаш планининг бажарилишига қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилди. Шундай қилиб, шу йилиёқ аҳолига 631 минг тонна пичан, 379 минг тонна ширали озуқа, 1100 минг тонна беда ва ширали озуқа, келгуси йилда эса 1387 минг тонна пичан, 758 минг тонна ширали озуқа ва 2950 минг тонна беда сотилади.

Шахсий хўжаликларга давлат ресурслари ҳисобидан тағин ҳам кўпроқ мадад берилади. Омихта ем сотишни 1990 йилда 400 минг тоннага, 1991 йилда эса 450 минг тоннага етказиб ёки 1989 йилдагига нисбатан 2,7—3 баравар кўпайтириш кўзда тутилди.

Чигит пўстлоғи, пуч чигит ва пиво тўпони сотиш анча кўпаяди. Давлат ресурсларидан ажратиладиган ем фондларининг эгалари — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, жойларда эса район ижроия комитетларидир. Бунда маҳаллий Советларнинг мавқеи анча ошади. Чунки район ижроия комитетлари фондларни ва ем сотиб олиш учун талонларни посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетларига тақсимлаб берадилар. Бу ерда халқ депутатлари ва фаолларидан комиссиялар тузилиши зарур, бу комиссиялар талонларни колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа гражданларнинг шахсий хўжаликларига уларда рўйхатга олинган моллар сонига қараб бевосита тақсимлаш билан шуғулланадилар. Мол эгаси ана шу талонни Ўзбекбирлашув базаси ёки магазинига кўрсатиб, ем сотиб олади. Ихтисослаштирилган магазинлар ва савдо дўконлари шохобчаларини кенгайтириш, зарур бўлган жойларда эса емни олиб келадиган кўчма дўконларни ташкил этиш лозим.

Комиссиялар зиммасига хўжаликларнинг раҳбарлари билан биргаликда пичан, лавлаги, беда ва маккажўхорини тақсимлаш вазифаси ҳам юклатилди. Бунда колхозларга, совхозларга, хўжаликлараро корхоналарга ана шундай ем-хашакни шартнома нархларида сотиш тавсия этилди. Бинобарин, шахсий хўжаликларнинг шартнома асосида чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлиги ошади. Айни вақтда шахсий хўжаликларга сотиш учун ем-хашак етиштириш харажатларининг ярмини колхозлар ва совхозларга тўлаш кўзда тутилган.

Президент Фармони ва ҳукумат қарорида шахсий хўжаликларнинг бошқа эҳтиёжларига ҳам катта эътибор берилган. Чунончи, 1990—1991 йилларда аҳолига 83,1 мингта бузоқ, 56 мингта чўчқа боласи, 427 мингта қўй ва эчки, 22,4 миллионта жўжа сотиш кўзда тутилган. Бу эса бундан олдинги икки йил ичида сотилганидан анча кўп.

Ўзбекистон агросаноат банкига колхозлар ва совхозларнинг буюртмаларига мувофиқ мол сотиб олиш да аҳолига ёрдам бериш учун кредит ажратиш топширилди.

Шахсий хўжаликларга молларга зооветеринария хизматини яхшилаш учун 1990 йилнинг охиригача ҳар бир посёлка, қишлоқ, овул Совети ижроия комитети ҳузурида хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган ана шундай хизмат кўрсатиш пунктлари тузиш режалаштирилган.

Яна бир муҳим жиҳат: колхозлар, совхозларнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларига баҳо беришда, енгил автомашиналар ва қишлоқ хўжалик техникасини ажратишда жамоат секторидан аҳолига ем-хашак қанча сотилгани ҳисобга олинади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, вилоят, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетларига шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштириб бориш, ҳал этиш ва ижрони назорат қилиш топширилди.

Шу тарика қишлоқ меҳнатчисининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашда яна бир қадам қўйилди, шахсий хўжаликларни мустаҳкамлашнинг, озиқ-овқат фондларини тўлдиришнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг пухта негизи яратилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди 1990 йил 4 июнь куни Тошкентда, санъат саройида эрталаб соат 10 да очилишини маълум қилади.

Делегатлар 2 июнь куни соат 10 дан 20 га қадар ва 3 июнь куни соат 10 дан 18 га қадар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг катта мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССР ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

СССР фуқаролиги шахс билан Совет давлатининг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

СССРда ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилина олмайди.

Совет давлати ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали СССР фуқаролари олдида масъулдир, СССР фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **СССРда фуқаролик**

СССРда Иттифоқ фуқаролиги белгиланди. Иттифоқдош республиканинг ҳар бир фуқароси айни вақтда СССР фуқаросидир. Автоном республиканинг ҳар бир фуқароси айни вақтда автоном республикани ўз таркибига олган иттифоқдош республиканинг фуқароси ва СССР фуқаросидир.

2-модда. **Тенг фуқаролик.**

СССР фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан ва ҳар қандай республика фуқаролигига мансублигидан қатъи назар, барча совет фуқаролари учун тенгдир.

СССР фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулот тури ва тусидан, истиқомат жойидан, муайян жойда яшаш вақтидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, Қонун олдида тенгдирлар.

СССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар томонидан таъминланади.

3-модда. **ССР Иттифоқи иттифоқдош ва автоном республикаларнинг совет фуқаролиги тўғрисида қонунлар**

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг совет фуқаролиги тўғрисидаги қонунлари СССР Конституцияси асосида қабул этилган ушбу Қонундан ва ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг совет фуқаролиги тўғрисида шу Қонунга мувофиқ чиқарадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

4-модда. **СССР фуқаролигига мансублик**

Ушбу Қонун кучга кирган кунда СССР фуқароси бўлиб турган шахслар:

ушбу Қонунга мувофиқ СССР фуқаролигини олган шахслар СССР фуқароларидир.

5-модда. **Иттифоқдош республиканинг фуқаролиги**

Иттифоқдош республиканинг фуқаролиги иттифоқдош республиканинг фуқаролиги тўғрисидаги Қонун билан белгиланади. Иттифоқдош республиканинг ҳар қандай иттифоқдош республика территориясидаги ҳар бир фуқароси унинг фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва улар билан тенг бурчларни бажаради.

6-модда. **Автоном республиканинг фуқаролиги**

Автоном республиканинг фуқаролиги автоном республиканинг фуқаролик тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.

Автоном республика территориясида ҳар қандай иттифоқдош ёки автоном республиканинг ҳар бир фуқароси унинг фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва улар билан тенг бурчларни бажаради.

7-модда. **Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда фуқароликнинг сақланиб қолиши**

СССР фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг хорижий фуқароликдаги шахс билан ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши шунингдек, бу никоҳни бекор қилиш эр-хотинларнинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгариши хотин ё эрнинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

8-модда. **Чет элда яшовчи шахсларнинг СССР фуқаролиги сақланиб қолиши**

СССР фуқаросининг чет элда яшаши СССР, иттифоқдош ёки автоном республиканинг фуқаролиги тўхташига сабаб бўлмайди.

9-модда. **Чет элдаги СССР фуқароларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши**

Чет элдаги СССР фуқаролари Совет давлатининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Совет давлати, унинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари СССР фуқароларининг ўзлари яшаб турган мамлакат қонунлари, СССР ёки иттифоқдош республика ҳамда улар турган давлат қатнашадиган халқаро шартномалар ва халқаро урф-одатлар уларга бериб қўйган ҳамма ҳуқуқлардан тўла ҳажмда фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чора-тадбирларни кўришга, уларнинг манфаатларини ва Қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишга, зарурат туғилган тақдирда эса совет фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш чораларини кўришга мажбурдирлар.

10-модда. **СССР фуқаросини хорижий давлатга топшириш йўл қўйилмаслиги**

СССР граждани хорижий давлатга топширилиши мумкин эмас.

11-модда. **СССР фуқаросининг хорижий давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик**

СССР фуқароси бўлган шахснинг хорижий давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

12-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар**

СССР территориясида яшаб турган, СССР фуқаролари бўлмаган ва хорижий давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади.

II. СССР ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ

13-модда. **Совет фуқаролигини олиш асослари**

СССР фуқаролиги:

1) туғилганда;

2) совет фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;

3) СССРнинг халқаро шартномаларида кўзда тутилган асослар юзасидан;

4) ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асослар юзасидан олинади.

14-модда. **Ота-оналари СССР фуқаролари бўлган фарзандларнинг фуқаролиги**

Туғилган пайтда ота-онаси СССР фуқаролигида бўлган ҳамда СССР территориясида ёки СССРдан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, СССР фуқароси ҳисобланади.

15-модда. **Отаси ёки онаси СССР фуқароси бўлган фарзандларнинг фуқаролиги**

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, уларнинг бири, ҳатто туғилган пайтда СССР фуқаролигида бўлган қўйидаги қонунларга фарзанд СССР фуқароси ҳисобланади:

1) агар у СССР территориясида туғилган бўлса;

2) агар у СССР чегарасидан ташқарида туғилган бўлса-ю ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда СССР территориясида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлган, улардан бири ҳатто туғилган пайтда СССР фуқаролигида турган бўлса, агар шу вақтда ота-она СССР чегарасидан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса, СССР чегарасидан ташқарисида туғилган ҳатто фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Отаси ёки онаси ҳатто туғилган пайтда СССР фуқаролигида турган, онаси ёки отаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда ҳатто туғилган жойидан қатъи назар, СССР фуқароси ҳисобланади. Ҳатто нинг отаси аниқланган, онаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган, отаси эса СССР фуқароси деб тан олинган тақдирда 14 ёшга етмаган бола, туғилган жойидан қатъи назар, СССР фуқароси бўлиб қолади.

16-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларининг СССР фуқаролигини олиши**

Фуқаролиги бўлмаган, СССРда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг СССР территориясида туғилган фарзанди СССР фуқароси ҳисобланади.

17-модда. **Ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги**

Ота-онаси номаълум бўлган ва СССР территориясида яшаётган бола СССР фуқароси ҳисобланади.

18-модда. **СССР фуқаролигига қабул қилиш**

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, истиқомат жойидан қатъи назар, СССР фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

СССР фуқаролигига қабул қилишни илтимос қилган шахс СССР Конституциясида мустаҳкам белгилаб қўйилган Совет давлати ва ижтимоий тузумини зўрлик билан ағдаришга ёки ўзгартиришга чақирган тақдирда; давлат хавфсизлигига, жамоат тартибини сақлашга, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ёки ахлоқига зарар етказувчи фаолиятни амалга оширган, адоватни, ирқий ва миллий мутаассиблиги тарғиб қилган тақдирда; террорчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган тақдирда унинг илтимосномаси рад қилинади.

19-модда. **СССР фуқаролигига тиклаш**

Илгари совет фуқаролигида бўлган шахс, унинг ўз илтимосномасига биноан СССР фуқаролигига тикланиши мумкин.

III. СССР ФУҚАРОЛИГИНИНГ ТУХТАТИЛИШИ

20-модда. **СССР фуқаролиги тўхтатилишининг асослари**

СССР фуқаролиги:

1) СССР фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) СССР фуқаролигидан маҳрум бўлиш оқибатида;

3) СССР фуқаролигидан маҳрум этилиш оқибатида;

4) СССРнинг халқаро шартномаларида кўзда тутилган асосларга биноан;

5) ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан тўхтатилади.

СССР фуқаролигининг тўхтатилиши иттифоқдош республика ва автоном республика фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

21-модда. **СССР фуқаролигидан чиқиш**

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра СССР фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар СССР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини бажармаган бўлса ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбурияти бўлса, унинг СССР фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар СССР фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг СССР фуқаролигидан чиқиши СССР давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг СССР фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

22-модда. **СССР фуқаролигидан маҳрум бўлиш**

Қуйидаги ҳолатларда:

1) шахс чет давлатдаги ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизматига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёки идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар СССР фуқаролиги сохта маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида қўлга киритилган бўлса, СССР фуқаролигидан маҳрум бўлган ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 35 ва 36-моддаларида кўрсатиб ўтилган ваколатли давлат идоралари ушбу ҳолатни қайд этган пайтдан бошлаб СССР фуқаролигидан маҳрум бўлинади.

23-модда. **СССР фуқаролигидан маҳрум этиш**

Агар чет элда яшовчи шахс СССРнинг давлат манфаатларига ёки давлат хавфсизлигига катта зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар қилган фавқулодда ҳолатда у СССР фуқаролигидан маҳрум этилиши мумкин.

Шахснинг СССР фуқаролигидан маҳрум этилиши унинг рафиқаси ва фарзандларининг фуқаролигини ўзгартирмайди.

IV. ОТА-ОНАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАНДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

24-модда. **Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда болалар фуқаролигининг ўзгариши**

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи СССР фуқаролари бўлганида ёки ҳар иккаласи СССР фуқаролигидан чиқганида, шунга биноан уларнинг 14 ёшга етмаган болалари фуқаролиги ўзгаради.

Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, унинг фуқаролиги ўзгарганда, шунга биноан 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

25-модда. **Васийликка олинган боланинг СССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

СССР территориясида яшовчи боланинг ота-онаси ёки улардан бири СССР фуқаролигидан чиқса ва айни пайтда СССР фуқаролари васийлиги белгиланган болани тарбиялашда иштирок этмаса, ота-она ёки васийнинг илтимосномасига кўра, бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади.

26-модда. **Ота-онасидан бири СССР фуқаролигини олган тақдирда болаларнинг СССР фуқаролигини олиши**

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигига ўтса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолса, СССР фуқаролигини олган отанинг ёки онанинг шу ҳақдаги илтимосномасига кўра, бола СССР фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигига ўтса, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, СССР территориясида яшовчи бола СССР фуқароси бўлиб қолади.

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигига ўтса, бошқаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган эр-хотин фарзандликка олган СССР фуқароси бўлган бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади.

27-модда. **Ота-онасидан бири СССР фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг СССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Агар ота-онасидан бири СССР фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса СССР фуқаролигида қолса, бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади. СССР фуқаролигидан чиқадиган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай болага СССР фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

28-модда. **Бола фарзандликка олинган тақдирда СССР фуқаролигини олиши**

СССР фуқаролари фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган ёки фуқаролиги йўқ шахс бўлган бола СССР фуқаросига айланади.

Бири СССР фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган бола СССР фуқаросига айланади.

Бири СССР фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган фуқаролиги йўқ шахс бўлган бола СССР фуқаросига айланади.

Бири СССР фуқароси бўлган, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка оладиган чет эл фуқароси бўлган бола уни фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра СССР фуқаросига айланади.

29-модда. **Фарзандликка олинган тақдирда боланинг СССР фуқаролигини сақлаб қолиши**

Чет эл фуқаролари фарзандликка олган ёки бири СССР фуқароси, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлган эр-хотин фарзандликка олган СССР фуқароси бўлган бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра, бундай болага СССР фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

Фуқаролиги йўқ шахслар фарзандликка олган ёки бири СССР фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги йўқ шахс бўлган эр-хотин фарзандликка олган СССР фуқароси бўлган бола СССР фуқаролигини сақлаб қолади.

30-модда. **Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида улар розилик беришининг зарурлиги**

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек улар фарзандликка олинган тақдирда уларнинг фуқаролиги ушбу Қонуннинг 38-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

V. СОВЕТ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР

31-модда. **Совет фуқаролиги масалаларига оид қарорлар қабул қилувчи органлар**

СССР Президенти, шунингдек иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларининг президиумлари ёки олий давлат мансабдор шахслари СССР фуқаролик масалаларига оид қарорлар қабул қилувчи органлардир.

32-модда. **СССР Президентининг ваколатлари**

СССР Президенти:

тегишли илтимосномалар билан СССР Президентига мурожаат қилган чет элда доимий яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларни СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

чет эл фуқароларини ва фуқаролиги йўқ шахсларни СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида ва совет фуқароларига нисбатан илгари СССР қонунларига мувофиқ қарорлар қабул қилинган бўлса уларнинг СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

СССР фуқаролигини тиклаш тўғрисида;

тегишли илтимосномалар билан СССР Президентига мурожаат қилган чет элларда доимий яшовчи совет фуқароларининг СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

СССР фуқаролигидан маҳрум этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Иттифоқдош ва автоном республиканинг манфаатларига дахлдор фуқаролик масалаларини СССР Президенти тегишли республика фикрини ҳисобга олиб ҳал этади.

СССР Президенти инсон ҳуқуқларини ёки ССР Иттифоқи манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида СССР фуқаролигига оид исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун қабул этишга ҳақлидир.

33-модда. **Иттифоқдош республика Олий Совети президиуми ёки иттифоқдош республика олий давлат мансабдор шахсининг ваколатлари**

Иттифоқдош республика Олий Совети Президиуми ёки иттифоқдош республиканинг олий давлат мансабдор шахси ушбу Қонуннинг 32-моддасида кўзда тутилган СССР Президенти ваколатлари доирасидан ташқарида совет фуқаролигига оид қўйидаги масалалар:

мазкур республика территориясида доимий яшайдиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларни иттифоқдош республика фуқаролигига ва шу билан СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

тегишли илтимосномалар билан иттифоқдош республика Олий Совети Президиумига ёки иттифоқдош республиканинг олий давлат мансабдор шахсига мурожаат қилган чет элда яшовчи хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги йўқ шахсларни улар территориясига кўчиб бориш истагини билдирган иттифоқдош республика фуқаролигига ва шу билан СССР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

мазкур республика территориясида доимий яшовчи СССР фуқароларининг иттифоқдош республика фуқаролигидан ва шу билан СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

СССРдан чиқиб кетгунга қадар территориясида доимий яшаган, иттифоқдош республика Олий Совети Президиумига ёки олий давлат мансабдор шахсига тегишли илтимосномалар билан мурожаат қилган чет элда доимий яшовчи СССР фуқароларининг иттифоқдош республика фуқаролигидан ва шу билан СССР фуқаролигидан чиқиши тўғрисида;

ушбу Қонуннинг 25-моддасида кўзда тутилган ҳолларда иттифоқдош республика фуқаролигини ва шу билан СССР фуқаролигини сақлаб қолиш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар.

34-модда. **Автоном республика Олий Совети Президиуми ёки автоном республика олий давлат мансабдор шахсининг ваколатлари**

Автоном республика Олий Советининг Президиуми ёки автоном республканинг олий давлат мансабдор шахси тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар ўртасида тузиладиган битимлар ва шартномалар асосида автоном республика фуқаролиги масалаларига оид қарорлар қабул қиладилар.

35-модда. **Ички ишлар органларининг ваколатлари**

СССР Ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикалар ички ишлар министрликлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармалари, бўлимлари: СССРда доимий яшовчи шахслардан совет фуқаролиги масалаларига оид аризалар қабул қиладилар ва зарур ҳужжатлар билан биргаликда СССР Президенти, иттифоқдош, автоном республика Олий Совети Президиуми ва олий давлат мансабдор шахси номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органлари орқали, чет элда доимий яшовчи шахсларнинг аризалари эса тегишли совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

СССР ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикалар ички ишлар министрликлари, Ташқи ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни СССР Президенти номига юборадилар.

Иттифоқдош республикаларнинг Ички ишлар министрликлари, Ташқи ишлар министрликлари ва Давлат хавфсизлиги комитетлари, автоном республикаларнинг Ички ишлар министрликлари ва давлат хавфсизлиги комитетлари фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан ўз хулосаларини ва бошқа зарур материалларни тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларига ёки олий давлат мансабдор шахсларига юборадилар.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Президентига, тегишли иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Совети Президиумига ёки олий давлат мансабдор шахсига ариза берган ҳар бир кишини СССР фуқаролигига қабул этиш ёки уни тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида шу жумладан унга республика иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти ҳақида далилланган хулосалар тақдим этадилар.

СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг граждан ёхуд давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари хусусидаги, уни айблануви сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги, ё бўлмаса мазкур шахснинг СССР фуқаролигидан чиқиши СССРнинг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

43-модда. **Аризалар ва тақдимномаларнинг СССР Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясида дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Ушбу Қонуннинг 32-моддасида кўрсатилган фуқаролик масалаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун СССР Президенти фуқаролик масалалари комиссиясини тузади.

Гражданлик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг тақдимномаси, хулосаси мазмунини, бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлик кўрсатмаларини атрофлича таҳлил этади.

Комиссия мазкур шахс кўчиб бормоқчи бўлган иттифоқдош ёки автоном республика Министрлар Советининг уни совет фуқаролигига қабул этиш ёки фуқароликни тиклаш мақсадга мувофиқми ёки йўқми эканлиги тўғрисидаги, шу жумладан республикада унга иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрини эътиборга олади.

Комиссия тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақлидир, бу идора ва ташкилотлар комиссия белгиланган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан СССР Президентига таклифлар ҳавола қилади.

Комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисда қатнашган барча аъзолари имзолайдилар.

44-модда. **СССР Президенти томонидан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг қабул этилиши**

Фуқаролик масалалари юзасидан СССР Президенти Фармонлар чиқаради.

Агар Фармонда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, фуқароликдаги ўзгаришлар СССР Президентининг Фармони чиқарилган кундан бошланади.

Фуқаролик масаласига оид такрорий ариза қонда тарқасида, шу масалага оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда такрорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

45-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати**

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

VI. СОВЕТ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШГА ОИД ИШЛАР

37-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни топшириш тартиби**

Фуқаролик масалаларига оид аризалар СССР Президенти, иттифоқдош, автоном республика Олий Совети Президиуми ёки олий давлат мансабдор шахси номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органлари орқали, чет элда доимий яшовчи шахсларнинг аризалари эса тегишли совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

СССР икки ёқлама фуқароликнинг олдини олиш тўғрисида шартнома тузган давлат фуқаролигидаги шахс фуқаронинг ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятига мазкур давлатнинг муносабати тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

38-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризалар шакли**

Совет фуқаролигини қабул қилиш, совет фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар ариза берувчининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан илтимосномалар нотариал идоралар, чет элда эса — совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси тасдиқлаган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг совет фуқаролигига қабул қилиш, совет фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги аризаларини топшириш чоғида албатта уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма шаклда ифодаланиши ва нотариал идоралар томонидан тасдиқланган, чет элда эса — совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Балоғатга етмаган бола СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисида илтимоснома топшириш-ю, унинг отаси ёки онаси СССР фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, мана шу ота ёки онанинг аризаси ҳам тақдим этилиши, унда мазкур ота ёки онанинг боласи СССР фуқаролигидан чиқишига муносабати билдирилиши керак. Бу ариза нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши, чет элда эса совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан аризани бошқа киши имзолайди, бу ҳақда ички ишлар органи, чет элда эса совет дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага тегишли сўзлар ёзиб қўйилади.

39-модда. **СССР фуқаролигига мансубликни белгилаш**

Шахснинг СССР фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза шу шахснинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса тегишли совет дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига берилади.

СССР фуқаролигига мансубликни белгилашда шахснинг СССР фуқаролигига мансублигига алоқадор вазият бошланган пайтда амал қилиб турган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатлари ва СССРнинг халқаро шартномалари қоидалари қўлланилади.

40-модда. **СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимнома**

СССР фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисидаги тақдимномалар СССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг давлат идоралари томонидан, шунингдек совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан СССР Ташқи ишлар министрлиги орқали киритилади.

41-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризаларни расмийлаштириш тартиби**

СССР фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан муроҳаат этган тақдирда доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органлари томонидан, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса тегишли совет дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар органлари, совет дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахслар орқали ёки почтадан бериб юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришга мажбурдирлар.

42-модда. **Фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан хулосалар**

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар органи ёки совет дипломатия ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан ўзининг далилланган хулосасини чиқаради.

СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Ташқи ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни СССР Президенти номига юборадилар.

Иттифоқдош республикаларнинг Ички ишлар министрликлари, Ташқи ишлар министрликлари ва Давлат хавфсизлиги комитетлари, автоном республикаларнинг Ички ишлар министрликлари ва Давлат хавфсизлиги комитетлари фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан ўз хулосаларини ва бошқа зарур материалларни тегишли иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларига ёки олий давлат мансабдор шахсларига юборадилар.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари СССР Президентига, тегишли иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Совети Президиумига ёки олий давлат мансабдор шахсига ариза берган ҳар бир кишини СССР фуқаролигига қабул этиш ёки уни тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида шу жумладан унга республика иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти ҳақида далилланган хулосалар тақдим этадилар.

СССР фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг граждан ёхуд давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари хусусидаги, уни айблануви сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги, ё бўлмаса мазкур шахснинг СССР фуқаролигидан чиқиши СССРнинг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

43-модда. **Аризалар ва тақдимномаларнинг СССР**

VII. СССР ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИ

46-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар**

СССРда доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси СССР Ички ишлар министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Ички ишлар министрликлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ички ишлар бошқармалари, бўлимлари зиммасига, чет элда яшовчи шахсларга нисбатан эса — СССР Ташқи ишлар министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг ташқи ишлар министрликлари, совет дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади.

47-модда. **Паспортлар ва истиқомат учун гувоҳномалар бериш**

Қонунда белгиланган тартибда совет гражданларини олган шахсларга ички ишлар органлари томонидан ёки совет дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан СССР фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг СССР фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

СССРда яшовчи ва совет фуқаролигидан чиқарилган шахсларга ички ишлар органлари истиқомат учун гувоҳнома берадилар.

48-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қилиш**

СССР Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси, шунингдек фуқаролик масалалари юзасидан қарорлар қабул қилган бошқа идоралар фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қиладилар.

VIII. ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАР ЮЗАСИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

49-модда. **Фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш**

Фуқаролик масалалари юзасидан иттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари ва олий давлат мансабдор шахслари томонидан фуқаролик масалалари юзасидан қабул қилинган қарорлар хусусида СССР Президентига шикоят қилиниши мумкин. Фуқароликка мансублик тўғрисидаги ҳамда фуқароликдан маҳрум бўлганлик ҳақидаги масалаларга оид қарорлар юзасидан шикоятлар СССР Президенти номига топширилади.

50-модда. **Мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари юзасидан шик

СССР Олий Советининг қарори

«СССРДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»* ги СССР Қонуни қуйидаги муддатларда кучга киритилсин:

уруш ногиронлари ва урушнинг бошқа қатнашчилари учун пенсиялар қисми — 1990 йилнинг 1 октябридан;

пенсионерларнинг бошқа тоифалари учун пенсияларнинг энг кам миқдори, ижтимоий пенсиялар, Улуғ Ватан уруши даврида жанговар ҳаракатлар билан боғлиқ ярадор бўлиш, контузия ёки шикастланиш натижасида ёки уларнинг оқибатида болаликдан ногиронларга пенсиялар, ота-онасидан маҳрум бўлган етимларга, ногирон болалари (I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар) бўлган оналарга, Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш қатнашчиларига пенсиялар қисми, шунингдек пенсияларнинг миқдорига дахл қилмайдиган нормалар қисми 1990 йил 1 январдан. Айни бир пайтда Қонун кучга киритилмасдан олдин тайинланган пенсиялар ушбу қарорнинг 3-бандида кўзда тутилган пенсияда бўлиш даврига қараб 5-40 сўм оширилсин;

янгитдан тайинланаётган пенсияларни ва Қонун кучга киритилгунга қадар тайинланган бошқа пенсияларни (иш стажига, иш ҳақига ва Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга мувофиқ, 1991 йил 1 январидан оширилишини ҳисобга олган ҳолда) қайта кўриб чиқиш учун — 1992 йил 1 январдан бошлаб. Бунда ушбу Қонунга мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқилган 160 сўмдан ортиқ пенсиялар қуйидаги муддатларда тўланади: 1993 йил 1 июлгача бўлган даврда — 160 сўмгача миқдорда, лекин 1991 йил 1 январидан бошлаб 5—40 сўм ошириб белгиланганидан кам бўлмаслиги керак, 1993 йил 1 июлдан бошлаб — тўла миқдорда.

Бироқ 1993 йил 1 июлгача бўлган даврда ҳамма ҳолларда ҳам қонун кучга киритилгунга қадар қонунларда кўзда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда пенсия тўланади.

2. Кўмир, металлургия ҳамда саноат ва қурилиш бошқа тармоқларининг ишдан кетиб қолган ишчилари ва хизматчилари учун оширилган энг кўп миқдорда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 13-моддасида белгилаб қўйилган оширилган миқдордаги энг кўп қарилик пенсияси олиш ҳуқуқини чеклаш 1991 йил 1 январдан бошлаб ана шу тоифадаги ходимларга оширилган энг кўп пенсия жорий қилингунга қадар бекор қилинсин.

Мазкур оширилган энг кўп миқдордаги пенсиялар тайинланган ишчилар ва хизматчилар учун Қонун 1991 йил 1 январидан кучга киритилсин ва 1992 йил 1 январга қадар 210 сўмгача миқдорда, 1992 йил 1 январдан эса тўла миқдорда тўлансин.

3. Қонун кучга киритилгунга қадар тайинланган пенсиялар, шу жумладан, энг кам миқдордаги пенсияларни қайтадан ҳисоблаш чоғида тегишли устамаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда Қонунда белгилаб қўйилган миқдоргача етказилади, лекин беш йилгача пенсияда бўлган тақдирда бу устама ойига 5 сўмдан, 5 йилдан 10 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 10 сўмдан, 10 йилдан 15 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 15 сўмдан, 15 йилдан 20 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 20 сўмдан, 20 йилдан 25 йилгача пенсияда бўлган тақдирда ойига 30 сўмдан, 25 йил ва ундан ортиқ пенсияда бўлган тақдирда ойига 40 сўмдан ошмаслиги керак (уруш ногиронлари ва урушнинг бошқа қатнашчилари учун Қонуннинг 22 ва 35-моддаларида кўзда тутилган оширишларни ҳисобга олмаган ҳолда). Улуғ Ватан уруши даврида жанговар ҳаракатлар билан боғлиқ жароҳатланиш, контузия ёки майиб бўлиш натижасида ёхуд уларнинг оқибатида болаликдан ногиронларга пенсиялар, шунингдек юқоридаги сабабларга кўра болаликдан ногиронларга боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун бериладиган пенсиялар қарилик пенсияси энг кам миқдорининг 15 фоизига қўшимча равишда оширилади.

Энг кам иш ҳақининг ўсиши муносабати билан пенсиянинг энг кам миқдорини навбатдаги кўпайтириш чоғида пенсиялар юқорида айтиб ўтилган 5—40 сўм оширилишини ҳисобга олмаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқарилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 67-моддаси қоидаларидан қатъи назар пенсия тайинлангандан кейин Қонун кучга киргунга қадар бўлган даврдаги иш пенсия миқдорини кўпайтириш чоғида ҳисобга олинади (Қонуннинг 20-моддаси).

5. Қонун кучга киргунга қадар амал қилиб келинган қуйидаги тартиб сақлаб қолинсин:

космонавтларга пенсия тайинлаш ва тўлаш, маориф, соғлиқни сақлаш ходимларига, спортчиларга (Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ пенсия турини танлаб олиш ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда) муайян даврда хизмат қилганлик учун пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби;

Улуғ Ватан уруши даврида СССР ва бошқа давлатлар территориясининг босиб олинган қисмида бўлган вақтни меҳнат стажига қўшиш;

совет муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақтини меҳнат стажига қўшиш;

чет элга кетаётган фуқароларга пенсия тўлаш агар бу тартиб Қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан имтиёзлироқ шартларни назарда тутса;

қарилик пенсиясига пенсия ёшига етгандан кейин ишлаган ҳар бир йил учун (лекин 1991 йил 1 январидан ошмаслиги керак) тегишли иш стажи бўлган тақдирда Қонуннинг 20 ва 76-моддаларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ҳисоблаб чиқариладиган миқдор доирасида қўшимча белгилаш.

6. СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка, вилоят, шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари Қонунга мувофиқ равишда пенсияларни ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқаришни, пенсия тайинлаш ва тўлашни таъмин этиш учун ижтимоий таъминот органлари системасининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ҳисоблаш техникаси, алоқа ва транспорт воситалари билан тўлароқ жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, ана шу органлар ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ишлаб чиқишлар ва амалга оширсинлар.

СССР Министрлар Совети 1990 йил 1 ноябргача бўлган муддатда:

Қонун билан СССР Министрлар Совети ихтиёрига берилган масалалар юзасидан «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунини қўлланишга доир зарур норматив ҳужжатларни қабул қилсин;

касаба уюшмалари Бутуниттифоқ марказий кенгаши (КУБМК) билан биргаликда СССРнинг пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомни, шунингдек фуқароларнинг ана шу жамғармага мажбурий суғурта бадаллари тўлаш шартлари ва тартибини, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни, жумладан якка (гуруҳ) ижарачи ёки шахсий деҳқон хўжалиги шароитида ишловчи шахсларни давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилиш шартларини тасдиқласин;

КУБМК билан биргаликда имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган корхоналар, цехлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини, муайян вақт меҳнат қилганлиги учун пенсия олиш ҳуқуқини берадиган корхоналар ва касблар рўйхатини тузишни тугалласин, бунда ҳозирги сессия давомида СССР халқ депутатларининг мазкур рўйхатларга тааллуқли таклифлари кўриб чиқилсин;

турмуш қийматининг ўзгариши ва иш ҳақининг ўсиши муносабати билан пенсияни ошириш (Қонуннинг 124-моддаси) тартиби ва муддатлари тўғрисидаги таклифларни аҳоли даромадларини индексациялаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси билан биргаликда СССР Олий Советига тақдим этсин;

иш стажини тасдиқлаш тартибини белгилаш чоғида (Қонуннинг 74-моддаси), Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ пенсия миқдорини кўпайтириш учун иш стажини гувоҳлар кўрсатмасига мувофиқ тасдиқлаш имкониятини кўзда тутсин;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида одамнинг касалликка бардошлилик қобилиятини йўқотадиган вирус юққан табобат ва фармацевтика ходимларини имтиёзли пенсия билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин;

радиация билан булғанган территориялардаги даволаш муассасаларида, инсоннинг касалликларга бардошлилик хусусиятини йўқотадиган вирус юққан шахсларни ёки СПИД касалига чалинган шахсларни даволайдиган юқумли касалликлар шифохоналарида, даволаш муассасаларининг паталогия-анатомия ва реанимация бўлимларида ишлаш вақтини стажга икки баравар ошириб ҳисоблаш масаласини кўриб чиқсин;

амалдаги қонунларга «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунидан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритиш, шу жумладан Узоқ Шимол районларида ҳамда ана шу районларга тенглаштирилган жойлардаги иш даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблашдаги имтиёзлар тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этсин.

СССР Министрлар Совети СССР ҳукуматининг ҳужжатларини «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсин ҳамда министрликлар, СССР давлат комитетлари ва идоралари ўз норматив ҳужжатларини, шу жумладан мазкур Қонунга зид бўлган йўл-йўриқларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 70-моддасида Улуғ Ватан уруши даврида мамлакат ичкарисидаги меҳнатчилар ва ҳарбий қисмлар эркин ёлланган таркиби учун кўзда тутилган иш стажини ҳисоблаш тартиби Ленинград шаҳрида у қамал қилинган даврда меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган шаҳсларга, шунингдек Улуғ Ватан уруши даврида СССРнинг вақтинча босиб олинган территорияларидан СССР билан уруш ҳолатида бўлган давлатлар территориясига зўрлик билан олиб чиқиб кетилган шахсларга, фашист қамоқ лагерлари (гетто ҳамда уруш даврида мажбурий ушлаб турилган бошқа жойлар) тутқунларига, шу жумладан болаларга, агар улар ана шу даврда Ватанга қарши жиноят қилмаган бўлсалар, жорий этилади.

СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетига пенсия ислоҳотини амалга ошириш даврида уни Қонунга мувофиқ қўлланиш тартиби тўғрисида, шу жумладан, гражданларнинг айрим тоифаларига тааллуқли бўлган, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикалар, давлат бошқаруви маҳаллий органлари, корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин. Бунда гражданларнинг Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ судга мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

7. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига СССР халқ депутатларининг ушбу сессия давомида айтган қишлоқ хўжалиги ходимлари (механизаторлар, деҳқонлар, сабзаводчилар, пахтакорлар, пиллакорлар, бузоқбоқарлар, чойкорлар, отбоқарлар, йилқичилар, иссиқхоналарнинг ходимлари, паррандабоқарлар, қўёнбоқарлар, мўйнали ҳайвонларни боқувчилар, қорамолларни ўстириш ва сўқимга боқиш операторлари) шунингдек, буғубоқарлар, чўпонлар, балиқчилар, овчилар, шу жумладан кўчманчилик билан кун кечирувчилар, ўрмончилар, пассажир арқон йўлларининг ходимлари, денгиз конларидаги нефть қазиб чиқарувчилар, мебелларни силлиқлаш билан шуғулланувчи пардозчилар, шаҳар транспорти ва транспортнинг бошқа турлари ҳайдовчилари, ўрмон-ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида, шунингдек қурилишда ва энергетикада банд бўлган айрим касбдаги ишчилар, ошпазлар, новвойлар, қандолатчилар, гиламдўзлар, табобат ва фармацевтика ходимлари меҳнат шароитини яхшилаш ва соғломлаштириш тўғрисида ҳамда уларнинг имтиёзли пенсия билан таъминлаш ҳақидаги таклифларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг меҳнатига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, «СССРда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР Қонунининг 129 ва 130-моддаларига, «ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий муносабатлари асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига ва «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ қарорлар қабул қилиш тавсия этилсин.

8. Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ харажатларни пул билан таъминлаш учун (ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларнинг корхоналари, муассасалари, бирлашмалари ва ўқув юртларидан ташқари) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тўлайдиган давлат ижтимоий суғурта бадали тарифлари оширилиб, улар 37 фоиз миқдорида белгилансин ва айни вақтда янги улгуржи ва ҳарид нархлари жорий этилсин.

СССР пенсия жамғармасига гражданларнинг иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий суғурта бадали тўлаши белгилаб қўйилсин.

9. СССР Министрлар Совети, СССР Фанлар академияси ва СССР Тиббий фанлар академияси билан биргаликда давлат имтиёзли пенсия таъминотини, шу жумладан, муайян вақт хизмат қилганлик учун пенсия таъминотини тубдан ислоҳ қилишга тайёргарлик ишларини амалга оширсинлар, муайян вақт ишлаганлик учун пенсия қўлланиладиган соҳани меҳнатнинг зарарли ва оғир шароитдари ёки инсон саломатлиги учун хавф-хатар, фан-техника тараққиётининг ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда сақланиб қоладиган махсус тармоқлар билан чеклаб қўйсинлар, кейинчалик бу масалаларни ҳал қилишни коллектив шартномалари доирасида корхоналар ва ташкилотларга топшириш мақсадини кўзда тутсинлар. Тегишли таклифлар 1992 йил 1 январга қадар СССР Олий Советига тақдим этилсин.

Мамлакат корхоналарида меҳнат шароитларининг аҳволи тўғрисидаги масала СССР Олий Совети сессиясида тинглансин. Бу масалани тайёрлаш Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясига, СССР Олий Советининг халқ саломатлигини муҳофаза қилиш комитетига, Иттифоқ Советининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссиясига топширилсин.

10. СССР Министрлар Совети ушбу сессия давомида СССР халқ депутатлари айтган таклифларни ҳисобга олиб:

1991 ва 1995 йилларда СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш Давлат плани ва СССРнинг 1991 йилги Давлат бюджети лойиҳаларини СССР Олий Советига киритиш билан бир вақтда пенсия энг кам миқдорининг энг кам иш ҳақига боғлиқ эканлигини кўзда тутиб, иш ҳақининг энг кам миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш таклифини тақдим этсин;

Уруш қатнашчиларини ва бошқа жанговар ҳаракатларнинг қатнашчиларини, шу жумладан байналмилал бурчини бажариш чоғидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган ва бунда жароҳатланган, контузия ёки майиб бўлган ва умумий касаллик оқибатида ногирон деб топилган кишиларни уларнинг ногиронлиги кўрсатилган жароҳат, контузия ёки майиб бўлиш билан эҳтимол тутилган боғлиқлиги сабабларини аниқлаш мақсадида врачлик-меҳнат эксперт комиссияларида қайтадан текширишдан ўтказишни ташкил этиш масаласини кўриб чиқсин;

СССР Олий Советининг хотин-қизлар, оилани, оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитети ва Совет хотин-қизлари комитети билан биргаликда хотин-қизларнинг мамлакатдаги аҳволини яхшилаш режаларини тузиш чоғида уларнинг узоқ муддатли иш стажи бўлган тақдирда ёшига қарамай, муддатидан олдин пенсияга чиқишлари билан боғлиқ таклифларни кўриб чиқсин;

СССР Олий Советининг экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитети билан биргаликда экологияга доир режаларни ишлаб чиқиш чоғида экология вазияти танг шаҳарлар ва регионларда аҳоли саломатлигини йўқотганлиги учун зарар ўрнини қоплаш шаклларни тўғрисидаги таклифларни тайёрласин;

СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва палаталаринг доимий комиссиялари билан биргаликда асоссиз равишда қатаган қилинган ва кейинчалик оқланган шахсларнинг, уларнинг фарзандларининг, шунингдек фашист қамоқ лагерлари (Улуғ Ватан уруши давридаги гетто ва бошқа мажбурий ушлаб туриш жойлари)да тутқун бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояланиши ва уларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш масалаларига доир таклифларни тайёрлаб, 1990 йил 1 ноябргача СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этсин;

30—40-йилларда доимий яшаш жойларидан зўрлик билан кўчирилган элатлардаги фуқаролар айрим тоифаларининг иш стажларини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсин;

СССР Олий Советининг халқ саломатлигини сақлаш комитети, Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси ва Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси билан биргаликда Узоқ Шимолдаги, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги кам сонли элатлар ва этник гуруҳларга мансуб меҳнаткашларнинг пенсия таъминоти шартлари ва тартиби тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиб, натижаларини СССР Олий Советига маълум қилсин.

11. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига Қонун асосида уруш ва меҳнат ветеранлари, ногиронлар ҳамда боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг ижтимоий ҳимояланиши қўшимча кафолатларини таъминлаш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, айниқса пенсионерларнинг энг кам таъминланган тоифалари тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш тавсия қилинсин.

СССР Олий Советининг раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 15 май.

* бундан буён қонун деб аталади.

СССР Олий Советининг қарори

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонуни 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

2. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонуни ушбу қонун кучга киритилганидан кейин, яъни 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

3. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонуни кучга кирган пайтдан бошлаб қуйидаги қонунлар:

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги 1978 йил 1 декабрдаги СССР қонуни (СССР Олий Совети ахборотномаси, 1978 йил, 49-сон, 816-бет;

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонунини кучга киритиш ҳақида»ги 1978 йил 1 декабрдаги СССР Олий Советининг қарори (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1978 йил, 49-сон, 817-бет);

«СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги 1979 йил 15 июндаги СССР Олий Совети Президиумининг фармони (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1979 йил, 25-сон, 436-бет);

«СССР фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни СССР Олий Совети Президиумида кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 1981 йил 6 январдаги СССР Олий Совети Президиумининг фармони (СССР Олий Совети Президиуми мажлислари протоколи, 1981 йил, 33-сон, 3-банд);

«СССР фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни СССР Олий Совети Президиумида кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1987 йил 13 апрелдаги СССР Олий Совети Президиумининг фармони (СССР Олий Совети Президиумининг протоколи, 1987 йил, 61-сон, 63-банд).

4. «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролиги ҳақидаги қонунлар кучга киргунга қадар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқаролиги тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади, чунки улар ушбу қонунга зид келмайди.

5. СССР Министрлар Совети 1991 йилнинг 1 январигача СССР ҳукумати ҳужжатларини «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқлаштирсин ҳамда СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари мазкур қонунга зид келадиган норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқишларини ёки бекор қилишларини таъминласин.

6. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларини «СССР фуқаролиги тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқлаштирсинлар.

СССР Олий Советининг раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 23 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ

Жумҳурият Олий Советининг бўлажак сессияси кун тартибига киритилган асосий муаммолардан бири —«Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги қонундир. Бу давлат ҳужжати қайта қуриш келтириб чиқарган ўзгаришларнигина акс эттириб қолмай, жумҳуриятнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши керак.

Зеро қонун лойиҳасини тайёрлаш ишига Олий Советнинг барча доимий комиссиялари, бунинг устига жумҳурият Министрлар Кенгаши билан яқин ҳамкорликда киришдилар. Шундай қилиб, лойиҳа устида ишлаш жараёнида кучларни жамлаш, қонун чиқарувчи орган билан ҳукуматнинг самарали ҳамкорлик қилиши соҳасида ибрат бўларли тажриба тўпланди.

Улар ўз ишчи гуруҳларини бирлаштириш фойдали бўлади, деб ҳисобладилар, бу ишчи гуруҳлари таркибига халқ депутатлари билан биргаликда таниқли иқтисодчилар, ҳуқуқшуослар, бошқа мутахассислар таклиф қилинди. Бу эса мулкчиликнинг гоят хилма-хил назарий ва амалий жиҳатларини кўриб чиқиш, турли нуқтаи назарларни қиёслаш, қонунда акс этиши лозим бўлган асосий қоидаларни келишиб олиш имконини берди.

31 май кўни «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кенгайтирилган мажлисда Олий Совет доимий комиссиялари ва ҳукумат идоралари раҳбарларининг, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирокида муҳокама қилинди.

Тақдим этилган лойиҳа умуминтифоқ қонунига уйғун эканлиги ва айни вақтда жумҳуриятнинг аниқ манфаатларини, унинг ўзига хос иқтисодий ва табиий хусусиятларини, тарихи ва анъаналарини акс эттирганлиги таъкидланди.

Муҳокама жараёнида бўлажак қонуннинг умумий йўналишлари, шунингдек, унинг айрим бўлимлари ва моддалари пухта кўриб чиқилди, амалий таклифлар киритилди. Лойиҳани пухталаштириш чоғида ана шу фикрлашишни ҳисобга олиш зарур, деб топилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш доимий комиссияси ана шу ҳужжатни якин кунларда Ўзбекистон ССРнинг барча халқ депутатларига юборади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, жумҳурият Министрлар Кенгаши раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРАЙЛИК, ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ЎСИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Жумҳуриятнинг бошқарилиб туриладиган бозор иқтисодиёти принципларига ўтиш йўллари, янги шароитда турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик чоратадбирлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советида 30 май куни бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда муҳокама қилинди. Кенгаш ишида жумҳурият вилоятларидан келган молиявий-иқтисодий хизмат, ҳуқуқ ва табиатни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, партия ва совет ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари иштирок этдилар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов очди.

Жумҳурият Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов маъруза қилди.

Кенгашда турмушнинг барча соҳаларида ишларнинг аҳволи бениҳоя ёмонлиги мамлакат ва жумҳурият халқ хўжалиги комплексининг бошқариб туриладиган бозор иқтисодиёти принципларига ўтишини тақозо этаётгани уқтириб ўтилди. Иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви, миллий даромадларнинг пасайиб кетиши мамлакатда шусиз ҳам мураккаб вазиятни кескинлаштириб юборди. Шунинг учун ҳам ишларнинг аҳволига амалда таъсир қила оладиган, жумҳуриятни танг ҳолатдан чиқара оладиган бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтишдан ўзга йўл йўқ. Бироқ янги иқтисодий изга ўтиш билан бирга жиддий ижтимоий ларзалар ҳам бўлиши мумкин. Ўтиш даврида таркиб топаётган вазиятни пухта таҳлил этиш, самарали ҳимоя чораларини ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги вақтда асосий вазифа — аҳоли кенг табақалари турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймасликдан, иқтисодий сиёсатни амалга оширишда туб янги ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Унинг моҳияти Ўзбекистоннинг ер, минерал-хом ашё, бошқа табиий ресурсларидан, вужудга келтирилган фан-техника имкониятларидан мустақил ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборатдир. Айниқса истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тармоқларда инвестиция сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Жумҳурият деярли барча қўрсаткичлар юзасидан ўртача Иттифоқ даражасидан жиддий орқада қолаётганлиги сабабли ўтиш даври янада мураккаблашмоқда. Экология вазияти хавфли бўлиб қолмоқда, миллатлараро можаролар кўпайиб кетди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1 миллион киши ишсиз. Айни вақтда минг-минглаб иш жойлари саноатда, қурилишда, транспортда, савдода, маиший хизмат ва умумий овқатланиш корхоналарида бўшлигича қолмоқда.

Жумҳуриятимиз гўшт, сут, қанд-шакар истеъмол қилиш борасида мамлакатнинг бошқа минтақаларидан анча орқада қолмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш билан ана шу тафовут яна ҳам кучайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам эски буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари ёрдамида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга янги омил бахш этиб бўлмайди, деб алоҳида таъкидланди кенгашда. Шу муносабат билан янгиланган Совет федерацияси доирасида социалистик муносабатларнинг мустаҳкамланишига асосланган хўжалик юритишнинг янги системаси чўзилиб кетган ёриб ўтишнинг реал якунига айланиши керак. Бироқ бозор муносабатларига ўтишнинг кечиктирилиши ҳам Ўзбекистонда турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига олиб келади. Ана шундан келиб чиқиб, дастлабки босқичда қурилаётган салбий ижтимоий ҳолатларнинг имкони борича юмшатилиши жумҳурият ҳукумати учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифага айланиши керак. Айни шу мақсадда яқинда ижтимоий чора-тадбирлар амалга оширилди: шахсий фойдаланишдаги ер участкалари кенгайтирилди, кичик корхоналарнинг кенг тармоғи барпо этилди. Қуйи синфларнинг ўқувчилари бепул овқатлантирилмоқда, ҳомиладор аёлларга, ногиронларга, ёш мутахассисларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумҳурият Президентининг фармонлари Ўзбекистон ССР аҳолиси ўртасида кенг қўллаб-қувватланди. Мазкур фармонларга биноан кўп болали оналарга нафақалар икки баравар кўпайтирилди, уруш ва меҳнат ветеранларига янги имтиёзлар берилди, шахсий ёрдамчи хўжаликларда боқилаётган чорва ва парранда озуқа билан кафолатли таъминланиши жорий этилди.

Шундай бўлса-да, ўтиш даври осон бўлмайди. Иллатни зудлик билан даволаш, деб аталган усул халқ хўжалигининг барча тармоқларида корхоналарнинг ялпи эвакуациясига олиб келишига йўл қўйиб бўлмайди. Жумҳуриятда амалга оширилаётган «Иш билан таъминлаш» компелкс программаси бунга йўл қўймасликка қодирдир.

Кенгашда одамларни иш билан таъминлашдаги кескинликни бартараф этиш учун ишсизлик нафақасини тўлашни ташкил этиш мўлжалланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу тадбирга тахминан икки миллиард сўм керак бўлади. Ишга жойлаштириш тармоғи кенгайтирилади. У ишсизларни рўйхатга олишдан тортиб, бўш иш жойлари борлиги тўғрисидаги маълумотлар автомат банкини яратишгача бўлган муаммолар мажмуаси билан шуғулланади.

Истеъмол моллари ва хизматлар нархи кутилмаган даражада ошиши мумкинлиги Ўзбекистон аҳолисини айниқса ташвишлантирмоқда. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг асосий вазифаси ўтиш даврида Ўзбекистоннинг аҳволи ночорроқ бўлса ҳам ҳар бир кишини кун кечиришнинг энг кам даражаси билан таъминлашдан иборат. Вужудга келадиган тафовутни иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида эмас, балки мутлақ миқдорда қоплаш зарурлиги эътироф этилди. Фақат шу ҳолдагина кам таъминланган, кўп болали оилалар ва кам иш ҳақи оладиган кишилар учун муайян кафолат яратиш мумкин. Бундан бошқа вазифа ҳам келиб чиқади: товон тўлаш миқдоридаги тафовут республика бюджети ҳисобидан қопланмаслиги керак.

Нотиқлар пулнинг қадрсизланиши ўсиб бораётганлиги туфайли кутилаётган йўқотишлар жадаллик билан (камида бир ой ичида) қопланиши кераклиги тўғрисида гапирдилар. Бу тоифага биринчи навбатда пенсионерлар ва кам таъминланган кишилар киради. Якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материалларни харид қилувчиларга ҳам товон тўлаш керак бўлади.

Ўзбекистонда молиявий аҳволнинг ниҳоятда оғирлиги муносабати билан бўлажак ўзгаришлардаги қийинчиликлар, айниқса кучаймоқда. Жумҳурият бюджетида ҳозирги кунда уч миллиард сўм атрофида тақчиллик бор. Лекин бу қарз — жумҳуриятнинг айби эмас. Қарзлар мавжуд номутаносиблик туфайли, Ўзбекистон ССР саноатининг хом ашё ишлаб чиқаришга қаратилганлиги туфайли вужудга келган. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг мутлақ шарти сифатида қарзлардан кечиш тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши гоят муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ҳар бир кишининг ёши, жинси, яшаш жойи ва ҳоказоларга қараб бюджет билан таъминланиши нормативини ўрнатиш керак.

Кечиктириб бўлмайдиган қарорларни талаб қилувчи асосий муаммолар нималардан иборат?

Ер ва ер ости бойликлари Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи жумҳуриятнинг халқининг мулки деб, қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилиши зарур. Ана шу бойликлардан жумҳурият манфаатлари йўлида фойдаланиш керак. Фуқароларга оддий моллар ишлаб чиқарувчи майда корхоналарни сотиб олиш ҳуқуқини бериш вақти келди. Йирик корхоналарга келсак, бунда корхонани харид қилишга аҳд қилган меҳнат жамоалари учун имтиёзли шартларда қарз фондларини таъсис этиш мақсадга мувофиқдир.

Нотиқлар давлат буюртмасига, биринчи навбатда, пахта толаси, жун, қорақўл, тамаки ва пиллага давлат буюртмаси масаласига алоҳида диққат-эътиборни қаратдилар. Бундай буюртма 50-70 фоиздан ошмаслиги керак. Ана шу шартларга риоя қилинган тақдирдагина бозор муносабатлари рўёбга чиқиши мумкин. Жумҳуриятнинг ўз маҳсулотини мустақил равишда тасарруф этиш ва жаҳон бозорига чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бу эса валюта ишлаб топиш, уни ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга, истиқболли технологияларни жор

Чўл бағридан қўриқ очиб, ноз-неъмат яратаётган азаматлар фарзандлари осойишта бўлишларини орзу қилишади. Шунинг учун ҳам Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз меҳнаткашларининг ўғил-қизлари тарбияланадиган боғча «Орзу» деб аталади. Бу қувноқ масканда хўжалик ишчиларининг жигарбандлари — ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, рус, корейс каби ўндан зиёд миллат вакиллари бир оила аъзоларидек камол топмоқдалар. Бунда тарбиячи Лариса Николаевна Эндикованинг ҳиссаси катта.

СУРАТДА: Л. Н. Эндикова тарбияланувчилар орасида.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

У КУНЛАР ШУҲРАТИ СУНМАС

ЭТИК ЕЧМАЙ...

Ҳамкасбим Исмоилжон Тўхтасинов уруш бошланганлиги ҳақидаги машъум хабарни «Марғилон ҳақиқати» шаҳар газетасида ишлаётганида эшитди. Фронтга юборишларини сўраб ариза ёзди, лекин рад жавобини олди.

Кейинчалик Фарғона шаҳрида 94-алоҳида ўзбек ўқчи аскарлар бригадаси шакланди. Тўхтасиновни артдивизионга қабул қилишди. Қисқа тайёргарликдан сўнг бригада 1942 йилнинг август ойида Москва яқинидаги Люберцига етиб борди. Бу ерда жанговар тўплар, ўқ-дори ҳамда бригаданинг жанговар байроғини олди.

Урушда кўрган-кечирганлари, жанг тафсилотлари ҳақида суҳбатдошимнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— 1942 йилнинг 16 октябрида Волгадаги қалъа бўсағасида жангларда қатнашдик. Ниҳоятда оғир бўлди. Бунинг устига биз кўрмаган қаҳратон совуқ. Гитлерчиларга қарши катта ҳужум бошланган 19 ноябрь ёдимдан чиқмайди. Ҳаётмамот жангига кирдик. Ўша кунлари тенгсиз олишувларда қатнашган кўп юртдошларим оламдан кўз юмишди. Аммо Волгадаги қалъанинг ҳимоячилари ҳаммасига бардош бериб, ғалаба қозондилар.

Таркибида бизнинг бригада ҳам бўлган учинчи гвардиячи армия қисмлари Михайловка, Краснодон, Ворошиловград, Лисичанск, Донбасс, Запорожье каби шаҳар ва қишлоқларни босиб ўтдилар.

Донецк областидаги Бондаревка қишлоғи учун бўлган жанг ёдимда. Шахтинск яқинидаги аёвсиз олишувдан сўнг аскарларга нафас ростлаб олишга имкон беришди. Тўплар янгиланди, барча зарур нарсалар жамланди. Кечқурун пиёдалар полки командирининг буйруғи билан тўпчи батареямиз ларга қўшилди. Дарё кечиб, 76 миллиметрли тўпни нариги қирғоққа олиб ўтиш керак эди. Узоқ эмас, қўл узатса етгудек. Шу ердан ҳам ўт очса бўлади. Биз турган жой душман ҳужумини қайтариш учун ҳам, пиёдаларимизни қўллаш учун ҳам қулай эди.

Батарея командири — кўпни кўрган жангчи, русяпон, биринчи жаҳон урушларининг қатнашчиси москвалик А. Павлов буйруқни бажаришдан бўйин товлади: «Шу ерда туриб ўт очиш ҳам, батальонни қўллаб-қувватлаш ҳам мумкин».

Сув кечиб ўтган батальон қирғоқдан қирқ метр ичкарида, узунлиги юз йигирма метрлик мудофаа маррасида эди. Полк командири буйруқни зудлик билан бажаришни талаб этар, батарея командири ўзининг ҳақлигини исботлашга уринарди.

— Комбат, олдимга келинг, — буюрди дивизия командири. Александр Иванович бошлиққа хабар бермоқчи эди, у рухсат этмади.

— Майор, нега буйруқни бажаришдан бўйин товладингиз?

— Ўт очиш учун шу жой жуда қулай.

Дивизия командири батарея ва полк командирларига ётиғи билан тушунтирди.

— Вазият ҳушёрлик ва юксак уюшқоқликни талаб қилади. Буюраман: тонгги соат бешгача тўплардан бирини рўпарадаги қирғоққа олиб ўтиб, қулай позиция эгалласин. Энг яхши жангчилардан иборат бўлсин...

Ўша пайтларда кўп нарсаларни бошдан кечириб, суворовчасига ғолиб чиқиш сабоғини ўтаган бўлсак-да, ўзимиздан катта бошлиқларнинг ўзаро муносабатидаги нозик томонларни тушуниб етмасдик.

— Биринчи расчёт командири ҳузуримга кирсин! — буюрди майор А. Павлов.

Мен комдивни кўриш орзусида шахдам қадам ташлаб комбатнинг олдига келдим.

— Жанговар топшириқ оласиз. Тушунарлими?

Тунда қийинчилик билан тўпни дарёдан олиб ўтдик. Йигирма метрча ичкаридаги тепаликка ўрнашдик. Эрталаб душман пиёдалари танклар ёрдамида ҳужумга ўтишди. Ўқчиларимиз мардона турдилар, тўпчи қисмимиз уларга кўмаклашди. Кучлар тенг эмасди. Бизниклар фашистларнинг учта ҳужумини қайтаришди. Пиёдалар батальони командири майор Артемьев айланма мудофаани моҳирона ташкил этди. Аскарлар сўнгги томчи қон қолгунча олишдилар.

Душман ўз ўрнига чекингач, бироз нафас ростладик. Окоп ва хандақларни бирмунча тартибга келтирдик. Лекин ноғуштага улгурмадик. Гитлерчилар иккинчи марта қаттиқ ҳамлага ўтишди. Учта танк ва ўзиюрар тўп, аллақанча фрицлар биз томонга кела бошлади. Ўзиюрар тўпни, битта танкни сафдан чиқардик. Икки жангчимиз ҳалок бўлди. Мен наводкачи ўрнини эгалладим. Танкни мўлжаллаб телкини босдим. Чапроқдан бошқа бирови катта тезлик билан келиб, тўпимизни мажақлаб ўтди. Тўққиз кишидан уч киши омон қолдик... Иккала оёғим оғир жароҳатланиб, уч кун беҳол ётдим...

Ўша куни кечга бориб бизнинг маррани гитлерчилар эгаллашибди. Аммо икки кундан кейин у жойни яна қайтариб олдик. Мажақланган тўпимиз олдига даставвал комбат А. Павлов, сўнгра полк командири Ляшченко билан унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Буканов келишди. Шунда санитарлар мени тўшиб, даволагани олиб кетишди. Комбат юзимдан ўпиб, «эҳҳа, тирик эксанку? Жуда соз» деганини эслайман. Лекин кўзимни очиб, Ляшченкони кўраркўрмай яна ҳушимдан кетибман. Госпиталда ўзимга келдим.

Соғайганимдан кейин мени учинчи Украина фронтига қарашли кичик офицерлар тайёрлаш курсига юборишди. Бироқ уни тугатмасимдан жангга киришга тўғри келди. Бу пайтда олишув Руминия ҳудудига кўчганди. Биз, одессалик курсантлар Қора денгиз орқали Констанцага, ундан Бухарестга кириб бордик.

1944 йилнинг 3 ноябрида взводимизга Тимишоара темир йўл вокзали яқинида соқчилик қилиш топширилди. Автобус бекати яқинида кучли отишма эшитилди. Ўша ёққа югурдик. У ерда тўс-тўполон: Тимишоара шаҳри горнизони бошлиғининг яраланган ёрдамчиси қуролсизлантирилиб, ўртага олинган. Унинг ёлғиз ўзи беш кишига қаршилик кўрсатарди. Ҳалигиларнинг уч нафарини қўлга олдик, иккитаси қочишга улгурди. Ярадор полковникни госпиталга жўнатдик. Уни қийнаётганлар бизнинг кийимимизни кийиб олган эсэсчи фрицлар экан...

Шиддатли жанглардан омон қолгач 266-ўқчи дивизияга қўшилдик. Кейинчалик унга гвардиячи, Қизил байроқли Суворов орденли дивизия деган фахрли ном берилди. Украина, Руминия, Венгрия ҳудудларини босиб ўтгач биринчилар қаторида Берлинга ёриб кириб, шаҳар ратушаси тепасига Қизил байроқ ўрнатдик...

Ўзинг тўғрингда сўзлаш қийин. Ҳамма қатори жанг қилдим. Зарур пайтда аскарларни ҳужумга бошладим, тўпни мўлжалга тўғриладим, қўл жангида олишдим... Баъзан батарея жавобгарлигини ҳам зиммага олганман.

Эндиликда у даврни полкдошларим билан учрашганда, улардан, пионер ва мактаб ўқувчиларидан мактублар олганимда эслаб қоламан.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.

САМАРҚАНДНИНГ БИР КУНИ

ХИЗМАТИГА ЯРАША

Самарқанд район матлубот жамиятлари уюшмасига мамлакатимиз пойтахтидан хушхабар келди. Шу йилнинг биринчи кварталида меҳнаткашларга яхши хизмат кўрсатиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун мазкур коллектив «Центросоюз» касаба уюшмалари марказий комитетининг биринчи даражали дипломи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Москвадан келган телеграммада уюшма коллективига иқтисодиётни ривожлантиришга катта улуш қўшаётганлиги, меҳнаткашларни зарур моллар билан таъминлаш, хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари кўрилаётганлиги учун миннатдорчилик билдирилади.

Ф. ОҚИЛОВ.

МАҲСУЛОТ КУПАЙМОҚДА

Жомбой дон маҳсулотлари комбинати яхлитнинг илғор корхоналари сафидан ўрин олди. Мавжуд қувватлардан унумли фойдаланилаётганлиги, фан-техника ютуқлари қўлланиб чиқаришга дадил жорий этилаётганлиги туфайли бу ерда меҳнат унумдорлиги тобора ортмоқда. Жамоа белгиланган топшириқларни муттасил ошириб бажараяпти. Шу йилнинг беш ойи режаси муддатидан аввал адо этилгани фикримизнинг далилидир. Истеъмолчиларга 21 миллион 968 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Бу муваффақиятдан руҳланган корхона жамоаси ой охирига қадар планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олган эди. Бу вада ҳам бажарилди.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ҚУРИҚ ҒОЛИБИ

Иштихон районидаги «Муродобод» колхозининг санъат саройида вилоят ҳунар-техника билим юртлари бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танлови ниҳоясига етди. Унда Оқдарё, Пайариқ, Иштихон, Қўшработ, Нурота районларининг вакиллари қатнашдилар. Маҳорат эгаларининг ўзига хос бу мусобақасида Иштихондаги 13-ҳунар-техника билим юртининг Содиқ Маҳмудов бошчилигидаги «Шалола» ансамбли аъзолари айниқса яхши иштирок этдилар. Уларнинг ҳар бир чиқишини томошабинлар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Кўрик якунида мазкур билим юрти вакиллари биринчи ўринни олиб, ёрлиқлар ва совғалар билан мукофотландилар. Нурота районидаги 5, Иштихон районидаги 28-ҳунар-техника билим юртларининг талабалари ҳам юксак баҳо олишди.

Т. ҒАФУРОВ.

Ҳар ҳафта шанба сонида

МУЙИНАК

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

ҚИЗИМ, СЕНГА АЙТАМАН...

Ассалому алайкум, Эшқул иним! Сиз раҳбарлик қилаётган хўжалик қардош Туркманистон жумҳурияти ҳудудига туташ. Сувнинг ҳам сўнгги қулоғи ҳисобланади. Совхоз меҳнатчилари оғир чўл шароитида пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштираётганликларидан воқифмиз. Дарвоқе, ўзингиз ҳам дашт бағрида вояга етгансиз. Кўп йиллик хизматларингиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати туфайли қишлоқ аҳлининг кўксига шабада тегди. Айниқса, қўшимча томорқа ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги барчанинг кўнглидагидек иш бўлди. Узоққа бормайлик. Амалдаги йилнинг ўзида Гагарин районида томорқа учун 672 гектар унумдор ер ажратилди. Илгари буни тасаввур қилиш қийин эди. Биргина сиз раҳбарлик қилаётган хўжаликда 34 гектар пахта майдони томорқа учун ўлчаб берилди. Бу яхши, албатта. Қарийб икки юз оила томорқали бўлди. Одамларнинг қувончини айтмайсизми?! Лекин бу ҳали ишнинг бошланиши. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Томорқа тўғрисидаги қарордан асосий мақсад, биринчидан, қишлоқда ,уй-жой муаммосини ҳал этиш бўлса, иккинчидан, аҳолини йил давомида турли-туман сабзавот ва полиз маҳсулотлари, ширин-шакар мева-чевалар билан таъминлашни яхшилашдир. Заҳматкаш бободеҳқон дастурхонида ҳамма нарса сероб бўлса, қандай яхши! Ортиқча маҳсулот асло исроф қилинмаслиги, тегишли шартномага мувофиқ ўз вақтида қабул қилиб олиниши ва давлатга топширилиши лозим. Афсуски, қатор хўжаликларда, жумладан, сиз раҳбарлик қилаётган совхозда масаланинг ана шу жиҳати эътибордан четда қоляпти. Меҳнат коллективи кенгашининг қарори билан томорқа ўлчаб берилган-у, ундан қандай фойдаланилаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Гўё шу билан муаммо ҳал бўлгандек. Биласиз, томорқа учун берилган 34 гектар майдондан хўжалик бултур 106,3 минг сўм даромад кўрган эди. Хўш, нега энди амалдаги йилда ернинг умри зое ўтиши керак?

Ўша куни сиз билан учрашишнинг имкони бўлмади. Хўжалик катта, ташвишлар етарли. Бир томонда ғўза қатор ораларига ишлов бериш керак, иккинчи ёқда беда ўрими кечикяпти. Баъзи ерларга чигитни қайта экишга тўғри келмоқда. Хуллас, бугун далада иш кўп. Қоракамар қишлоқ Совети ижроия комитети котиби Б. Отамуродов, совхознинг ер тузувчи инженери М. Абдиев билан бир қатор деҳқон хўжаликларида бўлдик. Бўстон участкасида яшовчи сувчи Норбек Бойматов, укаси — механизатор Алишер Бойматовлар тасарруфидаги 0,40 гектар ер қаровсиз ташлаб қўйилган. Кўплаб томорқаларга фақат маккажўхори экилган, холос. Бултур дала бошидан уй қуриб, кўчиб чиққан сувчи Жума Шодиев билан суҳбатлашдик. У дастлабки йилиёқ томорқанинг бир чеккасига 50 тупдан зиёд ток кўчати, кўплаб мевали дарахтлар эккан экан. Ҳаммаси текис кўкарибди. Дастурхонда помидор, кўкпиёз доим муҳайё. Сут-қатиқ, гўшт ҳам оиланинг ўзидан чиқиб турибди. Турмуш ўртоғи Ҳосил Шодиева «Қаҳрамон она». Улар ўн уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказишаётир.

Жума ака жумҳуриятимиз партия ва ҳукуматининг ғамхўрлигидан миннатдор эканлигини изҳор этди, айни чоғда кўп жойларда томорқадан тўғри фойдаланилмаётганлигидан афсус билдирди.

— Ер бекор турмаслиги лозим, — дейди Ж. Шодиев. — Раҳбарларимиз деҳқонга томорқа ўлчаб бериш билан бурчимизни бажардик, деб ўйласалар, янгилишадилар. Ер — умумхалқ мулки, бойлиги. Унинг тақдирига ҳаммамиз бирдек жавобгармиз. Бошқа муаммолар ҳам кўп. Бир неча йилдирки, қишлоқларни газлаштириш масаласи ҳал бўлмаяпти. Газни бошқаларга узатиб, ўзимиз тезак ёқишга мажбурмиз. Айниқса, ичимлик сув тақчиллигини айтмайсизми? Совхоз марказидан транспортда ташиб келтирилади. Уч-тўрт идишни сувга тўлғазиб оламиз. Транспорт бузилиб қолса, ҳолимиз хароб деяверинг. Магазин йўқ. Сотувчи Ўроқ Жўрабеков уйида савдо қилади. Давлатнинг мингминг сўмлик маҳсулоти унинг хонадонида антисанитария ҳолатида сақланаяпти. Хайрият, яқинда болалар боғчаси қурила бошланди. Қани энди бундай хайрли ишлар кўпаяверса...

Гулистон участкасидаги 50 оилага ўлчаб берилган томорқадан фойдаланиш ҳам ўлда-жўлда. Уларнинг бир қисмида шағал уюмлари кўзга ташланади. Кўпчилик янги уйларга пойдевор қўйилмоқда. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин уй қураман, деб кечагина тонна-тонна маҳсулот бериб турган серунум ерни қаровсиз ташлаб қўйиш инсофданми? Бу борада совхознинг марказий кўрғонидан 60 кишига ўлчаб берилган 13 гектар ердаги манзара оз бўлса-да, кишини қувонтиради. Одамлар ўзларига ажратилган томорқага ерёнғоқ, карам, картошка экишибди, турли мевали кўчатлар ўтқазишибди. Зеро, эртанги кунга бугун замин қўйилиши лозим.

Эшқул иним! Мамлакатимизда адолатни, қадриятларни қарор топтириш учун озмунча иш қилинаётгани йўқ. Қишлоқ меҳнаткашларига қўшимча равишда томорқа берилаётганлиги ҳам ана шу хайрли тадбирлардан биридир. Ҳар бир ариза, тегишли комиссия аъзолари томонидан жиддий ўрганиб чиқилиши, бунда хонадонларнинг имконият ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим эди. Афсуски, бундай қилинмаган. Ўзибўларчилик, назоратсизлик баъзиларга қўл келгайлиги кўриниб турибди. Эшқул иним, наҳотки сиз совхоз кассири Ҳолмўмин Мўминовнинг бир гектарча ерни эгаллаб олганидан бехабар бўлсангиз? Унинг шаштини қайтариш мумкин эдику. Бу ҳали ҳолва. Қизиғини энди айтаман. Х. Мўминов инсофнинг юзига парда тортиб, Тошкент технология техникуми ҳамда Ўрта мактабда таҳсил кўраётган ўғиллари Искандар билан Фахриддин учун ҳам 0,20 гектардан томорқа олган. Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, тракторчи Берди Саидов ҳам ундан қолишмади: бир гектар ерни эгаллаб, ҳеч нарса кўрмагандек юribди. Бунга нима дейсиз?

— Ҳақиқатан ҳам жумҳурият партия ва ҳукуматининг қарорини бажаришда жиддий камчиликларга йўл қўйилди, — эътироф этади район агросаноат-кооператив уюшмаси бош ер тузувчиси Й. Ҳасанов. — «Пограничник» совхозида томорқа учун 25 гектар экин майдони ажратилган эди. Лекин оилаларга белгиланганидан 9 гектар зиёд ер ўлчаб берилган. Ҳозир ана шу майдон хўжалик планида турибди. Демак, ундан олинадиган маҳсулот бошқа экин майдонларига «сочиб» юборилиши лозим. Бу эса кўзбўямачиликнинг ўзгинаси. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Ер учун солиқ тўлаш тартибида аниқлик йўқ. Чўл шароитида кўплаб оилалар 0,5—0,8 гектар ердан фойдаланаётганликларига қарамасдан, солиқни 0,15 гектар ҳисобидан тўлашади. Кўп даромад қиладиган қишлоқ хўжалиги мутахассислари амалда солиқ тўлашдан озод. Ойига 80—100 сўмдан маош оладиган оддий деҳқон эса бир сотих ер учун 2 сўм 10 тийиндан солиқ тўлаши лозим. Яъни, унинг имтиёзи чекланган. Буни қандай тушуниш керак?

Деҳқон бува мактубни Эшқул Бўриевга йўллабдилар, деб райондаги бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари хотиржам бўлмай қўя қолсинлар. Халқимизда қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, деган доно нақл бор-а. Жорий йилда томорқа учун ажратилган 672 гектар майдоннинг асосий қисмида халқимиз учун зарур бўлган у ёки бу хил сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмаётгани равшан. Ҳали ҳам вақт бор. Томорқалардан расамади билан фойдаланиш чораларини кўриш лозим. Токи ҳаммамизни боқадиган, кийинтирадиган ернинг умри беҳуда ўтмасин. Қош қўяман, деб кўз чиқармайлик, азизлар!

Деҳқон бува мактубини оққа кўчирувчи: Б. КЕНЖАБОЕВ. Сурхондарё.

«КИМГА ЁЛҒОН, КИМГА ЧИН»

(1990 ЙИЛ, 3 ФЕВРАЛЬ)

Урганч шаҳар ижроия комитети шуни маълум қиладики, текширув жараёнида юқоридаги мақолада келтирилган далиллар асосан тасдиқланди. Қиш ойларида 3-уй яхши иситилмаганлиги тўғри. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Қувурлар эскирган. 3-микрорайондаги иссиқ сув тармоқларининг техник ҳолати яхши эмас.

31-уйдаги қувур устунлари нобоп ўрнатилгани учун хонадонлар умуман исимаган. 7-хонадонда яшовчи Карим Матқурбонов 1985 йилда чўян қурилмаларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаб, ўрнига комфорт типидаги пўлат ускуна ўрнатган. Лекин бу ҳақда на ўзи, на қўни-қўшнилари уй-жой бошқармасига хабар қилишмаган. Натижада иситиш тармоғи нормал ишламаган.

Йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, аҳоли талаблари қондирилди. Ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани учун 2-ЖЭУ катта инженери О. Полвоновга ҳайфсан берилди.

Б. БОБОЖОНОВ, Урганч шаҳар ижроия комитетининг ранси.

МУЙЧИНАКДАН. Кимга ёлғон, кимга чин: ранс бувамиз жавобни эринмай рус тилида битибдилар. Балки тайёр хатга имзо чеккандирлар! Бу ёғи бизга қоронғи. Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганига анча бўлди. Кўплаб корхона ва ташкилотларда иш шу асосда олиб борилаяпти. Ўртоқ Бобожонов бундан яхши хабардор, албатта. Лекин тарки одат амри маҳол деганларидек, редакциянинг ўзбек тилида ёзилган сўров хатига русча жавоб йўллашни маъқул кўрибдилар.



— Ҳайрият-э, шу омонат бинода ўқув йилини эсон-омон тугатиб олдик...

М. ЖУРАЕВ чизган расм.

ЛАТИФА

Бир гуруҳ савдо ходимлари чойхонада гурунглашиб ўтиришарди. Гап айланиб болалар тарбияси, уларнинг келажаги ҳақида келиб тақалганда биттаси Афандидан сўраб қолди:

— Сизнинг эркатойингиз ким бўларкин, Насриддин ака?

— Башорат қилиш қийин. Магазинга юборсам, сира қайтим олиб келмайди. Чамамда, сотувчи бўлади-ёв! — жавоб берди Афанди.

* * *

Насриддин Афандининг сатанг қизи танлаганини уйига бошлаб келди. Қиз: «Ойим қанақа овқат қилсин?» деса, йигит бармоқларини букиб санайверди:

— Товуқ гўштини жуда яхши кўраман. Норин жони-дилим. Палов ҳам чакки эмас. Хасип билан кабоб...

Бу гапларни эшитиб турган Афанди энсаси қотиб, хотинини туртди:

— Онаси, бўлғуси куёвингнинг севгиси юрагида десам, қорнида экан-ку!

ИККИЛИКЛАР

Хотин топар тўкиб тер,
Эри уйда ётиб ер.

* * *

Порахўр пора олди,
Охири чора олди.

* * *

Келин қарар тош ойнага,
Ишлар қолар қайнонага.

* * *

Ёзиб аранг битта шеър,
Қаранг, аканг «шоир» дер.

* * *

Бугун оғир бўлди, кўтара ташвиш,
Ахир, ўтказилди тўртта йиғилиш.

* * *

Юбилей аташиб унинг отини,
Совғаларни олди бошлиқ хотини.

У. ҚИЛИЧЕВ.

СПОРТ ахборот

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида совриндорлар сафидан ўрин олиш учун қизғин кураш бораяпти. Бу табиий, албатта. Чунки мавсум ниҳоясида 1—4-ўринни эгаллаган командалар келаси йили кучлилар сафида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ўн иккинчи турдаги тўққиз учрашувнинг тўрттасида майдон эгалари ғалаба қозондилар, уч ўйинда эса меҳмонларнинг қўли баланд келди. Икки матчда кучлар тенг келиб, рақиблар очкони бўлишиб олдилар. Дарвозаларга 22 та тўп киритилди. Шулардан 14 таси мезбонлар, 8 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Кемеровода «Кузбасс» командаси дарвозасига 2 та тўп киритган пахтакорчи И. Шквирин тўпурарлар рўйхатида биринчи ўринга чиқиб олди. Игорь шу пайтга қадар рақиблар дарвозасини 10 маротаба ишғол этди.

Биринчиликда 20 имкониятдан 16 очко тўплаган оржоникидзелик футболчилар якка карвонбошилик қилишаяпти. «Спартак» командаси тўплар нисбати бўйича ҳам энг яхши натижага (22—4) эга.

Ўйинлар жадвали

	Ў	Т	О
«Спартак»	10	22—4	16
«Динамо» Ст	11	16—12	15
«Шинник»	11	15—7	14
«Металлург»	10	10—3	14
«Локомотив»	9	12—5	13
«Пахтакор»	10	16—14	13
«Қайрат»	11	14—11	12
«Геолог»	11	10—10	12
«Факел»	11	13—11	11
«Котайк»	10	10—5	11
«Динамо» Сх	7	3—3	8
«Ростсельмаш»	11	11—19	8
«Нефтчи»	9	14—13	8
«Локомотив» Г	11	7—14	8
«Таврия»	9	3—4	8
«Зенит»	8	7—9	7
«Тирас»	9	6—12	7
«Нистру»	10	11—19	7
«Кубань»	9	3—16	4
«Кузбасс»	11	4—16	2

«Пахтакор» бугун Москвада «Локомотив» командаси билан учрашади.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Севильяда ўтказилган халқаро мусобақада мамлакатимизнинг лангарчўп билан сакраш усталарига тенг келадиган рақиблар топилмади. Айниқса республикамиз вакили, тошкентлик Родион Гатауллин ўзини кўрсатди. У 5 метр 83 сантиметрли баландликни забт этиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Ленинградлик И. Тран денков кумуш медални (5 метр 73 сантиметр) қўлга киритди. Франциялик Т. Виньер учинчи, донецклик С. Бубка тўртинчи ўринларни эгалладилар.

Аёллар ўртасида 1.500 метрга югуришда руминиялик Т. Чиду марра чизиғида биринчи бўлди. Ленинградлик Н. Артемова иккинчи натижани кўрсатди. 100 метрга тўсиқлар оша югуришда свердловсклик Е. Чернишева кумуш медални қўлга киритди. Вильнюслик Н. Медведева узунликка сакрашда иккинчи ўринни эгаллади.

ЧИМ ХОККЕЙ

Эркаклар командалари ўртасида (олий лига) навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Олмаота динамочилари пойтахтнинг «Фили» клубини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келдилар. Свердловск армиячилари Васильковнинг «Искра» командасини йирик ҳисобда (4:0) мағлубиятга учратдилар.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Раздан» (Раздан) — «Волна» (Ленинград) — 3:1, «Азинефтехим» (Боку) — «Волга» (Ульяновск) — 4:3, «Спартак» (Самарқанд) — «Луч» (Минск) — 0:4. Ўтган турда Андижоннинг «Звезда» командаси дам олди.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

Р. — 04297. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1200.